O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 7-sentyabr, chorshanba ✱ № 36 (995) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

«ВАТАН» ДЕЙДИ ЮРАКЛАРНИНГ ДУПУРИ

Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши томонидан республикамиз бўйлаб ҳарбий округларда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий кечалар ўтказилди. Хизмат вазифасини аъло даражада бажараётган ҳарбий оилаларда учрашувлар уюштирилди.

⇨ 3-бет

ПУБЛИЦИСТИКАДА ҲАЁТ НАФАСИ

Бадиий публицистик асар яратиш журналистдан катта билим, кенг дунёқараш, теран тафаккур билан бирга, ижод маҳоратини, тил воситаларидан унумли фойдаланишни талаб қилади.



⇨ 4-бет

БУНЁДКОР ЭЛ ЖАСОРАТИ

Ўзбекистонимизнинг бугунги кўрки жамоли, бўй-басти, унинг истиқлол йўлидан одимлаб шундай тараққий қилишини бундан йигирма беш йил муқаддам ҳеч тасаввур қилганмизми?

⇨ 5-бет

ҒОЯЛАРИ БАРҲАЁТ, НОМИ АБАДИЙ

ИНСОН АЗИЗ — ХОТИРАСИ МАНГУ

Ўтган ҳафта давомида халқимиз даврнинг яна бир қалтис синовидан ўтди. Дафъатан оғир жудоликка учрадик. Мамлакатимиз мустақиллигининг буюк меъмори, халқимизни асрий қулликдан ёруғ кунларга олиб чиққан миллат қаҳрамони – Ислом Абдуғаниевич Каримов вафот этди.

Очиғини айтганда, бошимизга тушган ана шу мусибатдан ҳам ёвуз кучлар ўзларининг нопок ниятлари йўлида фойдаланишга уриндилар. Айрим хорижий ОАВда, хусусан, интернетнинг ижтимоий тармоқларида ҳаёт ҳақиқатига зид бўлган, турли фитна ва ифволар тарқатилди. Ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун оммани фикран бузмоқчи бўлди. Эски, пўстаги чиққан ноғоралар яна бир қоқиб кўрилди. Шукурки, жамоатчилик, айниқса, мустақиллик фарзандлари – ёшларимиз бу ахборот хуружига қарши тура олди... жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда намуна кўрсатдилар. Бу алоҳида мавзу.

Айни чоғда ўзининг тоғдай суянчи, маслаҳатгўйи, уйининг файзу баракаси бўлган падари бузрукворидан айрилиш мусибатини бошидан ўтказган оилалар бу жудоликнинг нақадар оғирлигини яхши англашади. Халқимизда: "Одам бахтлилигини бахтсизликка йўлиққанида англаб қолади", деган мушоҳада бор. Бунинг нақадар ҳақиқат эканлигини Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти, Юртбошимизнинг вафоти тимсолида кўрдик ва чуқур ҳис этдик.

Айтиш лозимки, мамлакатимизда эълон қилинган мотам маросими барчамизни чуқур мушоҳадага чорлади. Бир томондан катта йўқотиш боис кўнглимиз оғриган бўлса, иккинчи томондан ўша йўқотиш сабабли халқимизнинг жипслигини кўриб, бир мунча таскин ҳам топдик. Ўша кунлари мамлакатимизда ва хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналарида Ўзбекистоннинг давлат байроқлари туширилди.

3 сентябрь. Эрта тонг. Одамлар Юртбошимизни сўнгги йўлга кузатиш маросимида қатнашиш учун, юрак амри билан пойтахт Тошкент шаҳрининг марказий кўчаси томон маҳалла-маҳалла бўлишиб, селдай оқди. Ўша куни наинки, Тошкенту Самарқанд аҳли, балки ўттиз икки миллионли халқимиз – ўзлари истиқомат қилаётган шаҳару қишлоқларларда, маҳаллаю кўчаларда, хонадонларда бир тану бир жон бўлиб, чуқур қайғу ва кўз ёшлари билан биринчи Президентимизни сўнгги йўлга кузатдилар.

2 »

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МЕҲРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМИЗ

Мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотираси халқимизнинг қалбида мангу яшайди. Бутун халқимиз Президентимиз вафотидан чуқур қайғуда.

Руслан НУРУДИНОВ,
оғир атлетика бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари ғолиби:

– Юртбошимиз Ислом Каримовдек халқпарвар, болажон, ёшларни «Менинг фарзандларим!» деб бағрига босиб, чексиз меҳр-муҳаббатини намоён этадиган раҳбар кам бўлса керак.

Мен мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йили туғилганман. Мустақил давлатимиз билан бирга ўсдим, улғайдим. Мана шу ўтган йигирма беш йилда мен ва мен каби барча тенгдошларим Президентимизнинг улкан меҳри ва ғамхўрлиги оғушида вояга етдик. Нимани ният қилсак, қалбимизда қандай эзгу мақсад бўлса, барчасига эришаяпмиз. Бу мамлакатимизда замонавий таълим олишимиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, ўз иқтидор ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун яратилган кенг имкониятлар натижасидир.

Яқинда Бразилияда ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиб, Олимпиада рекордини янгиладим. Юртбошимиз бу ютуғимни юксак баҳолаб, 2016 йил 24 августдаги фармони билан мени «Эл-юрт ҳурмати» орденига муносиб кўрди.

Шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилар эканман, Президентимиз ишончини оқладим, юзим ёруғ бўлди, энди Ислом бобомиз билан кўришганда, мусобақада дунёнинг манаман деган давлат вакиллари билан беллашдим, менинг ғалаба қозонишимда Сизнинг «Маррани баланд олинг, азиз фарзандларим! Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди» деган даъватингиз катта куч берди дейман, дуосини оламан, деб ният қилгандим. Афсуски, армон бўлиб қолди...

Юртбошимизнинг бу даъватлари юрагимиздан ҳеч қачон ўчмайди ва бизни янада юксак ғалабалар сари илҳомлантираверади. Президентимиз хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ,
бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинлари совриндори:

– Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатган улкан эътибор ва ғамхўрлиги, билдирган юксак ишончни ҳеч қачон унутмаймиз. Биз бу ишончни доим оқлашга, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятимизни намоён этиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга интилаверамиз.

Мени ва тенгқурларимни Президентимиз асос солган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тарбиялади, истеъдодимизни юзага чиқарди. Спортдаги фаолиятимизда юксак натижаларга эришишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. 2015 йили Конституция байрами арафасида бўлиб ўтган бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш бағишланган тантанали маросимда Президентимиз мени бағрига босиб, «Сен Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларида чемпион бўлишинг керак!» дея юксак ишонч билдирган эди.

Бразилияда ўтган Олимпиадада кумуш медални қўлга киритган бўлсам-да, Президентимиз бу ютуғимни юксак баҳолади. Мен Президентимизнинг 2016 йил 24 августдаги фармонига биноан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирландим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг оталарча меҳри ва ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ

КИТОБ САВДО МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Навоийда "Камолот" китоб савдо маркази иш бошлади.

Мажмуанинг очилишига бағишланган тадбирда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, китобга қизиқишини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан қарийб 300 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган мажмуада 400 дан ортиқ турдаги китоблар сотилмоқда. Бу ерда ўнга яқин бўлимлар бўлиб, сотувчи ва харидорлар учун барча қулайлик яратилган.

— Биз, ёшларнинг маънавиятимиз ва дунёқарашимизни бойитиш мақсадида мазкур мажмуанинг барпо этилганидан мамнунмиз, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли Баҳодир Абдуллаев. — Энди биз ўзимиз учун зарур бўлган турли адабиётларни шу ердан харид қиламиз. Юртимизда бундай маърифат ва маънавият марказларининг кўпайиши аҳоли, айниқса, ёшларнинг ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишига хизмат қилади.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

"БУНЁДКОР" — ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги "Бунёдкор" маҳалла фуқаролар йиғининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда маҳалла институтининг мавқеини юксалтириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жойларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланди. Бу жараёнда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Янги бинода барча шароит яратилган, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмон Исмоилов. – Кенг, ёруғ, шинам хоналар замонавий компьютер воситалари, мебель ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бу каби қулайликлар фаолиятимизни, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ишини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНГ БИЛАН, БОЛАЖОН!

ҲАЁТ ВА САБОҚ

Мана, ҳадемай, янги ўқув йили бошланиб, мактаб қучоғи яна ўқувчилар билан тўлди. Республикамизнинг барча мактаблари 1-синфларига жажжи ўғил-қизлар қабул қилиниб, уларга Президент номидан совғалар улашилди. 4 сентябрь куни мамлакатимиз ўқув муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти вафоти муносабати билан хотира дарслари ўтказилди.

– Яқиндагина юрт отасидан айрилиб қолганимиз, ўтган 25 йил мобайнида у киши раҳбарлигида амалга оширилган ишлар тўғрисида ўқувчиларга сўзлаб бериш осон бўлмади, – дейди Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 230-мактаб ўқитувчиси Гулнисо Шукурова. – Негаки, бу оғир жудоликдан юракларимиз ҳамон ҳаприқиб турибди. – Юрт равнақи, халқ фаровонлиги, ёшлар камоли ва Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин топиши учун жонкуярлик, оталарча ғамхўрлик билан олиб борган ишлари хусусида тўлқинланмай, кўзларимиз ёшланмай гапиришнинг иложи йўқ. Шуни аниқ айтишим мумкинки, ҳар бир синфдаги хотира дарси ўқувчиларимиз учун бир умрлик ҳаёт сабоғи бўлди. Муҳтарам Юртбошимизнинг ватанпарварлиги, халқпарварлиги, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида амалга оширган ишлари ва бунинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётгани ёшлар қалбини фахрга тўлдириш билан бирга, уларда шундай йўлбошчига издош бўлишдек масъулиятни уйғота олди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, ёшлари қалбидан ана шу ҳис ўтаётгани табиий. Ўғил-қизларимизнинг бири спорт, бири санъат, яна бири аниқ фанлар йўналишидаги ютуқлари билан шу юрт шону шавкати учун ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Тошкент шаҳридаги 206-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Жасурбек Раззоқов келажакда тақдирини спорт билан боғлашни қўнглига туккан.

– Янги ўқув йилини интиқлик билан кутгандим, – дейди у. – Чунки бу йилдан умидим катта. "Бунёдкор" футбол клуби тарбияланувчиси бўлсамда, спортнинг барча турларига қизиқаман. Рио — 2016 мусобақаларини катта қизиқиш билан кузатдим ва олтин медалларни қўлга киритган акаларимга қараб, ҳавасим келди. Мен ҳам олдимга шундай мақсад қўйиб, ҳамма фанлардан яхши ўқиш билан бирга, келажакда жаҳон майдонларида тўп суришни ният қилдим.

Ҳа, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган диёримизда каттаю кичикнинг орзу-умиди эзгу ишларга эш бўлиб, мақсадлар ана шундай юқори олинади. Ушбу ниятлар ёшларимизга йўлдош бўлишига ишонамиз...

Х. ФАЙЗИЕВА

ЎзА мухбири Байрам АЙТМУРОДОВ ёзиб олди.

ҒОЯЛАРИ БАРҲАЁТ, НОМИ АБАДИЙ

Бошланиши 1-бетда

Видолашув маросимида иштирок этган Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари Ли Жун Сук, Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Октай Асадов, Грузия Республикаси Бош вазири Георгий Квирикашвили, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбой Жээнбеков, Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари Туғрул Йилдирим, Украина Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Степан Кубов, Бирлашган Араб Амирликлари давлат вазири Рашид бин Аҳмад бин Фаҳад, Арманистон Республикаси парламенти вицеспикери Эрмине Нагдалян, Япония парламент вазири Мотомэ Такисава, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф, МДҲ Ижрочи директори Сергей Лебедев ва бошқаларнинг Ислом Каримов даҳоси ҳақидаги фикрларини тинглаб, ўзлигимизни, Ўзбекистоннинг дунё миқёсида орттирган обрў-эътиборини яна бир карра чуқурроқ англадик.

Халқимиз ўзининг ўтмиши улуғ, келажаги буюклигини яна бир бор ҳис этиб, энтикди, шундай доно йўлбошчиси бўлганлигидан ғурурланди ва ундан айрилиб, қолганлигидан ўксиб, кўз ёшларини тия олмади. Ҳақиқатан ҳам қалбга буюриб бўлмайди.

Жон қўшним етти яшар неварасининг эрталаб уйқудан туриб: "Дода, мен Ислом Каримовни соғинаяпман", деган сўзларини эшитиб, кўз ёшларини тия олмаганида далда беришга сўз топа олмадим. Юртбошимиз ўзининг меҳри сўзлари билан нафақат биз катталарнинг ҳатто, гўдакларнинг қалбидан ҳам шундай жой олган эди. Бу Юртбошимизнинг: "Ёшлар менинг фарзандларим" деган ўтинчларининг ҳаёт ҳақиқатига айланганига биргина мисолдир.

Ислом Каримов биз журналистларни ҳам доимо "Менинг яқин кўмакчиларимсиз", дея олқар эдилар. Жорий йил, июнь ойида касб байрамимиз муносабати билан йўллаган табрикларида "...ҳаётимизни тубдан ўзгартирган, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилиб, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон турмуш ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуришдек беқиёс имконият яратиб берган мустақиллигимизнинг қандай ноёб, олий ва бебаҳо неъмат эканини эл-юртимизнинг онгу тафаккурига сингдиришда, истиқлолимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий матбуотимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз яхши биламиз ва сизларнинг бу олижаноб хизматингизни юксак қадрлаймиз" деган сўзлари касбимизга бўлган катта ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Фақат бугина эмас. Юртбошимиз қисқа вақт ичида соҳани ривожлантириш, аввало, қалам аҳлининг ўзлигини англаши йўлида катта ислоҳотларни амалга оширишга улгурдилар. 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни муносабати ОАВ ходимларини рағбатлантириш, фаолликка чорлаш мақсадида ташкил этилган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро, 27 июнь – матбуот ва ОАВ ходимлари куни муносабати билан "Йилнинг энг фаол журналисти" анъанавий, мамлакатимиз мустақиллиги куни муносабати билан "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловларининг ташкил этилиши, жамиятда сўз эркинлиги, журналист касбини эътибор топишига йўналтирилган ўнлаб қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилинганини бунга мисолдир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги тарихига назар ташлар экан, давлатимиз тараққиётига дахлдор соҳаларнинг барчаси у кишининг муборак назарларидан четда қолмаганига гувоҳ бўламиз.

Халқаро майдонда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш муаммоси давлатимиз раҳбарининг бош мавзуларидан бири эди. Президентимизнинг "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" деб номланган рисоласида бу мавзу ўзининг кенг ифодасини топган.

Видолашув маросимида иштирок этган Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани ҳам Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари азалдан яхши қўшничилик муносабатларида яшаб келаётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирар экан, Ислом Каримов Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ саммитида Президентимиз билан учрашуви ғоят мазмунли бўлганини алоҳида таъкидлагани бу масаланинг қўшни мамлакат тақдирида ҳам нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев Ислом Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин номидан таъзия билдирар экан, Ислом Каримов буюк давлат арбоби бўлганини, ўз халқига, Ватанига хизмат қилишни юқори даражага кўтарганини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг юксак даражага кўтарилишига катта ҳисса қўшганини қайд этди.

Шунингдек, мазкур тадбирда қатнашган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон Республикасининг асосчиси эканини, ўтган йилларда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланганини таъкидлади. Ислом Каримов бошлаган буюк ишлар давом этиши ва мамлакат янада равнақ топишига ишонч билдирди. Ислом Каримовнинг улкан хизматлари билан жорий йилнинг июнь ойида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганини, Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканини қайд этди.

Матбуотда эълон қилинган, бу эътирофлардан иқтибослар бекорга келтирилмаяпти. Мамлакатимизда яқин бир икки йилда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари кўлами мисқоллаб ўлчанса, асрларга татигуликдир. Қамчиқ довонида асрлар давомида ўз бағрини очмаган тоғ бағрини ўйиб, Ангрен — Поп темир йўлининг барпо этилиши, Қорақалпоғистондаги Сурғил газ кони асосида Ақшўлоқ газ-кимё мажмуасининг қурилиши чинакамига замондошларимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятидан яна бир далолатдир. Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати, ташаббускорлиги билан юртимиз обод, турмушимиз фаровонлашди. Инсон қадри юксалди. Маънавиятимиз камол топди. Қадриятларимиз борлиғимизга айланди.

Биз, қалам аҳли шу кунгача халқимизнинг буюк бунёдкорлик ишлари ҳақида кўп ёздик. Аммо унинг ижодкори, ташаббускори, даъваткори бўлган Ислом Каримовнинг фаолияти ҳақида, тунларни тонгга улаб, тайёрланган лойиҳалар учун сарф бўлган жисмоний қуввати, салоҳияти, шахси ҳақида оммага айтиладиган гаплар ҳали жуда кўп. Унинг иккинчи – абадий умри ҳақида том-том асарлар битилажак, албатта. Чунки, элим деб, юртим деб ёниб яшаш қандай бўлишини Юртбошимиз бизга ўз ҳаёти ва фаолияти мисолида кўрсатиб берди. Камтарлик, самимийлик, туриш-турмушдаги соддалик, диний эътиқодда собитлик борасида у кишидан катта сабоқ олдик. Ҳатто, у кишининг таъзия маросимлари ўтган ота уйи, унинг камтарона, ўзига яраш-иқлиги, файзи билан барчамизга ибрат бўлди.

3 сентябрь куни Ислом Карамовга мусулмончилик урф-одатларига биноан Регистон мажмуасидаги Тиллакори мадрасасида жаноза намози ўқилди. Шу куни ўзининг васиятига биноан ота-онаси мангу қўним топган Шоҳи Зинда қабристонида дафн этилди.

Мамлакатимиздаги ҳамма таълим муассасаларида янги ўқув йилининг илк дарси Президентимиз Ислом Каримов хотирасига бағишлангани у кишининг барҳаётлигига далилдир.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туманлардаги барча таълим муассасаларида шу куни ўқувчилар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига таъзим бажо келтирдилар.

– Ўқитиш жараёни илғор педагогик технологиялар асосида, интерфаол усулларда олиб борилмоқда, – дейди Нукус шаҳридаги 37-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Ойсулув Тажимуратова. – Ўтган ўқув йилида ўтказилган фанлар олимпиадаси ва билимлар беллашуви рейтинг натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 3-ўринни эгаллаб, мамлакат бўйича кучли йигирматаликка кирдик. Фанлар олимпиадасида 4, билимлар беллашувида 9 ўқувчимиз Қорақалпоғистон ва мамлакат босқичида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг таълим соҳасига қаратган юксак эътибори, ёш авлод тарбиясига бўлган ғамхўрлиги самарасидир. Бундай фикр мамлакатимиздаги барча ўқув муассасаларига ҳам хосдир.

Мана бир неча кунки, барча ҳудудларда – вилоятлар марказидаги Хотира хиёбонлари томон эрта тонгданоқ кексаю ёш қўлида гулдаста, қалбида чуқур изтироб, юзкўзида чексиз қайғу билан оқиб келаётган давлат идоралари, ташкилот ва корхоналар, жамоат ташкилотларининг жамоалари кети узилмаяпти. Хорижий мамлакатлар раҳбарлари, ишбилармон доиралардан халқимизга ҳамдардлик номалари келиши давом этмоқда.

Халқимиз, миллатидан, диний эътиқодидан қарашларидан қатъи назар Ислом Каримовнинг давлатимиз мустақиллигининг асосчиси ва раҳнамоси сифатида амалга оширган буюк хизматлари, ибратли аъмоллари ҳақида сўзлаб, унинг руҳини шод этмоқдалар. Мустақиллигимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк жамоат арбоби Ислом Каримовнинг номи абадийдир. У улуғ зотнинг муборак номлари қалбимизда, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти кўчаларида, маҳаллаларида, шаҳарларида абадий янграб туради.

Ислом Каримовнинг халқ манфааатига қаратилган, фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакат тараққиёти билан боғлиқ демократик тамойилларини, эзгу ғояларини ҳаётга татбиқ этишда, абадийлик касб этишида ўтган давр мобайнида у кишининг яқин таянчи ва кўмакчиси бўлган биз ижод аҳлининг олдида турган вазифалар ҳа ли жуда кўпдир.

Бир сўз билан айтганда, йиллар ўтган сари Ислом Каримов яратган "ўзбек модели", унинг эзгу ғоялари инсон манфаати, юрт фаровонлиги, халқимиз тинчлик ва осойишталигига қаратилгани билан янада қудратланиб бораверади. Бу қудратнинг ўқ илдизлари бобо қадриятларимизга бориб туташади. Ислом Каримов қалбан, вужудан халқимиз тарихига, унинг бир бўлаги бўлган муқаддас макон – Шоҳи Зиндага абадий пайванд этилди.

Охиратлари обод бўлсин!

Ўктам МИРЗАЁРОВ

Мустақил Ўзбекистон – суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлгани, барча жабҳаларда юксак ютуқларни қўлга киритаётгани албатта Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ. У киши томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида гапириш ҳар бир ватандошимиз, ҳар бир ёш учун фахр ва шарафдир. "Ёшлар бизнинг нафақат келажагимизни, балки бугунги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир" дея доимо ёшларга қаттиқ ишонган Ислом Каримов ҳақиқий маънода – Ўзбекистон Қаҳрамони.

ЁШЛАР БИЗНИНГ БУГУНГИ КУНИМИЗ ВА ЭРТАМИЗ

И.Каримовнинг ёшларга оталарча ғамхўрлиги, ҳар бир ёшга ўз фарзандидек меҳр ва эътибор бергани, уларнинг ютуқларидан ғурурланганги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатини қиёсий таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш йўналишида ташкил этилаётган давлат сиёсати, ўзининг ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам асосига эга бўлиб, у "Ўзбек модели"нинг таркибий қисми сифатида амалга оширилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа зарур ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга самарали татбиқ этилгани билан боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида юртимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ўз мутахассислиги бўйича ишлаши ва соғлигини муҳофаза қилиши, оила қуриш, яшаш жойларига эга бўлиш каби ўнлаб ҳаётий талабларни давлат томонидан кафолатлаш ва қондиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Ислом Каримов ёшларга оид давлат сиёсатини ташкил этишдаги амалиётга самарали татбиқ этилган муҳим ғоялар, аниқ таклиф ва илғор ташаббусларининг муаллифи сифатида юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлади. Ёшлар сиёсатини амалга оширишда юзага келган турли мураккаб масалаларга ечимлар Президент асарлари, чиқишлари, нутқлари ва интервьюларида мунтазам таъкидлаб борилди.

Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларга оид қонунчилик тизими шаклланиб, ўтган давр мобайнида болалар ва ёшларга оид 22 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 46 қарори, вазирлик, қўмита ва бошқа идораларнинг 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, болалар ва ёшлар масалаларини ўз ичига олган 10 га яқин халқаро шартномалар ратификация қилинди.

Хусусан, истиқлолнинг биринчи ойларидаёқ, яъни 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун ёшларнинг барча ютуқлари учун ҳуқуқий замин яратди.

Йигит-қизларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган сиёсатнинг асосий моҳияти, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Асосий Қонунимиз қабул қилинган куннинг эртасига — 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилди.

Ўзбекистон халқининг бош мақсадига айланган ҳеч кимдан кам бўлмайдиган баркамол авлодни вояга етказиш орзусини рўёбга чиқариш мақсадида мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга устувор аҳамият қаратилди. 1997 йилда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида бир йўла иккита муҳим ҳужжат: "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда тубдан ислоҳ этилган таълим тизимининг энг катта ва аҳамиятли ютуғи ҳар бир болага 12 йиллик бепул умумий таълим олиш ҳуқуқининг давлат томонидан кафолатланиши бўлди. Қаранг, юртимиздаги таълим муассасаларида 7 та тилда таълим берилади, ўнлаб хорижий, хусусан, инглиз, рус, корейс, ҳинд, араб, форс ва ҳоказо тиллар ўқитилади. Ким қайсини хоҳласа, марҳамат, таҳсил олсин, ўргансин.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ота-оналар фарзандларининг таълим-тарбияси учун оила бюджетидан катта миқдорда маблағ сарфлашга мажбур бўлган бир пайтда, юртимизда 9+3 схемаси бўйича бепул таълим тизими жорий этилгани, ҳатто молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам мактаб ва коллежлар қурилиши изчил давом эттирилгани, албатта, ҳар биримизда чексиз фахр ва ифтихор туйғусини уйғотади.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Зулфия номидаги давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий номидаги қатор давлат стипендияларининг таъсис этилиши Ислом Каримовнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган эзгу ғоясининг ҳаётий рўёбини таъминлади.

Ислом Каримовнинг "Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч – ёшларимиз майдонга чиқмоқда...", "Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун бизники — марра бизники" деган даъватлари мамлакат ёшларига эртанги кунга ишонч, чексиз куч-ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Одилжон ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Президентимиз портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ў.Мирзаёров ва бошқалар истиқлолимиз асосчиси Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишлар мангуликка муҳрланиб қолишини таъкидлади.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг биринчи кунларидан оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини ошириш, соҳа фаолиятининг ҳуқуқий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан амалга оширилди.

Ислом Каримов журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга холисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркорлигини уқтирарди.

– Президентимизнинг биз, журналистлар меҳнатини доимо юксак қадрлаб келганини мамлакатимизда таъсис этилган турли нуфузли танловлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин, – дейди «Ўзбекистон овози» – «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов. – Бу танловлар оммавий ахборот воситалари ходимларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш рамзи бўлиб қолади. Ислом Каримов номи тинчликсевар ва халқпарвар давлат арбоби, доно сиёсатчи ва комил инсон сифатида халқимиз қалбидан мангу жой олди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

ҚАЛБИМИЗДА АБАДИЙ МУҲРЛАНГАН БУЮК СИЙМО!

2016 йил 2 сентябрь Ўзбекистон халқи учун оғир жудолик куни сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Ушбу куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов оламдан ўтди. Барчамиз учун қадрли инсон бўлган Ислом Каримов буюк тарихий шахс эди. У юртимиз тарихига етук давлат ва сиёсат арбоби сифатида кирди. Донишмандлиги ва узоқни кўра билиши билан нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда катта обрў-эътиборга эга бўлди.

Ислом Каримов бутун умрини жонажон Ўзбекистонимиз ривожи ва халқимиз турмушини кўтаришга бағишлади. Унинг қатъияти ва жасорати туфайли мамлакатимиз мустақилликка эришди ва ўз тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини сақлаш Ислом Каримов учун доимо олий устувор вазифа бўлиб келди. У машҳур беш тамойил асосида бутун дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган иқтисодиётни тубдан ислоҳ этиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқди.

Дунёда энг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган иқтисодиётга эга бўлган бешта давлат қаторидан бизнинг давлатимизнинг жой олгани ҳам муҳтарам Ислом Каримов томонидан олиб борилган ислоҳотларнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Ислом Каримов демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳақли равишда муаллифи ҳисобланади. Унинг амалга оширган беминнат хизматлари туфайли юртимизда фуқаролик жамиятининг барча мезонлари Асосий қонунимизда ўз аксини топди. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётида иштирокини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг яратилишида ҳам юртбошимизнинг ҳиссаси бениҳоя катта.

Хусусан, Президент томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишларида иштирок этишини тартибга солувчи қатор қонунлар қабул қилинди.

Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари шаклланиши ва изчил ривожланиши учун кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, Президент ташаббуслари асосида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг миллий тизими яратилди.

Мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашнинг янги принципиал тизимини жорий этиш ҳам бевосита давлатимиз раҳбарининг ғояларидир. Натижада, шаклланган янги авлод— истиқлол фарзандлари халқаро майдонда турли фан ва санъат соҳасида оламшумул ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Айниқса, спортчиларимизнинг жаҳон олимпия ўйинларида мамлакат тарихида бўлмаган натижаларни қўлга киритаётгани барчамизга фахр бағишлайди.

Юртимизда фарзандларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун яратиб берилган шароитлар, ёшларимиз томонидан чуқур миннатдорлик ҳисси билан эътироф этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 4 сентябрь куни мамлакатимизнинг барча таълим масканларида ташкил этилган "Хотира дарслари"да ҳам Президент Ислом Каримовнинг жонажон ватанимиз буюк келажаги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари ёш авлод вакиллари томонидан ғурур билан тилга олинди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг адолатпарварлиги, халқчиллиги, юрт равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари туфайли юртдошларимизнинг муҳаббатини қозонди. Марҳумни охирги манзилга кузатиш маросимида минглаб ватандошларимиз қалбида изтироб, кўзида ёш билан Ўзбекистоннинг биринчи Президенти билан видолашдилар.

Унинг вафоти муносабати билан марказда ва жойларда ўтказилган мотам тадбирларида ёшуқари келиб Юртбошимиз портрети пойига гуллар қўйишмоқда. Ислом Абдуғаниевич Каримов хотирасига бағишланган маъракаларда эса халқимиз марҳум ҳақига қўл кўтариб дуолар ўқишди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Йўлбошчиси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий қолади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

ЮРТНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАРИ

Мамлакатимизда изчил амалга оширилиб келинаётган кенг кўламли ҳарбий ислоҳотлар ўз самарасини бериб, Ўзбекистон тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, ҳар қандай хуружларни бартараф қилишга қодир кучли армияга эга бўлди. Буларнинг барчаси мустақилликнинг, юртимиздаги осойишталикнинг мевасидир.

«ВАТАН» ДЕЙДИ ЮРАКЛАРНИНГ ДУПУРИ

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан кўплаб учрашувлар, тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши томонидан республикамиз бўйлаб ҳарбий округларда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий кечалар ўтказилди. Хизмат вазифасини аъло даражада бажараётган ҳарбий оилаларда учрашувлар уюштирилди.

Хусусан, Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган «Намунали ҳарбийлар оиласи» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби, Фурқат Аҳмедов хонадонига яқинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси Шуҳрат Усмонов ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ташриф буюришди.

Фурқат Аҳмедов ва унинг турмуш ўртоғи Дилдора фарзандлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Уларнинг қизи Шаҳназабону «Ўзбек жанг санъати» бўйича Ўзбекистон чемпиони, таэквондонинг ITF йўналиши бўйича I DAN қора белбоғ соҳибасидир.

– Истиқлолимизнинг чорак асрлик ёшини муносиб қаршилаб, ютуқларим сонини кўпайтиришга интилаяпман, — дейди Шаҳнозабону. — Келажакда шифокор бўлишни мақсад қилган бўлсам-да, ҳаётимни спортдан айро тасаввур қила олмайман. Муваффақиятларга эришишимда менга қўш қанот бўлиб келаётган ота-онамдан беҳад миннатдорман.

Болажон халқимиз "биз кўрмаганни болаларимиз кўрсин", деб яшайди. Фикримизча, барча меҳмонлар сержант Фурқат Аҳмедов хонадонида ушбу сўзларнинг амалдаги исботини кўргандек бўлди.

Эътибор ва ғамхўрлик намунаси

Мустақиллик байрами арафасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига замонавий тураржойлар топширилгани ҳам эътиборга лойиқ. Сурхондарё вилоятига қилган хизмат сафаримизда ҳарбий хизматчилар учун қурилган янги кўп қаватли тураржой биноларининг топширилишига гувоҳ бўлдик.

Ана шундай файзли хонадонларнинг соҳибию соҳибалари давлатимизнинг бундай ғамхўрлиги ва юксак эътиборидан ниҳоятда мамнун эканликларини билдирдилар. Шарафли ва масъулиятли касб эгалари янада шижоат ва ташаббус кўрсатишга, вазифаларига сидқидилдан ёндашиб, қўйилган топшириқларни бекаму кўст бажариш учун бор билим ва кучларини сафарбар этишга аҳд қилдилар.

— Оилавий ҳаёт биринчи навбатда мустаҳкам ишонч, самимий ҳурмат ва меҳр-муҳаббат ришталарига қурилгани маъқул. Уларсиз кўнгил хотиржамлигига, яъни чинакам бахтга эришиб бўлмайди. Оиламиз тинч-тотувлигида бунинг исботини кўп кўрганман, — дейди катта лейтенант Хуршид Эшназаровнинг турмуш ўртоғи Меҳринисо Эшназарова. — Кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор бизни жуда ҳам хурсанд қилаяпти. Шинам ва ёруғ, барча қулайликларга эга хонадонимиз фарзандларимизга ҳам жуда маъқул бўлди.

Капитан Маъмуржон Ҳасановнинг хонадонига кирганимизда онаси Мағфират Ҳасанова набиралари даврасида экан.

— Набираларимни соғиниб келгандим, катта тантана устидан чиқдим. Давлатимизнинг ғамхўрлиги, кўрсатилаётган эътибор, яратиб берилган шарт-шароитларни кўриб, фарзандларим, набираларимнинг бугуни ва келажагидан кўнглим тўқ бўлди. Самарқандга қайтсам, кўрганларимни бутун қариндошларга, қўни-қўшниларга айтиб, мақтанаман, — дейди у.

Болажонларнинг кўзларидаги қувонч кўнгилга ажиб хотиржамлик бағишлайди. Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари бугун хурсанд. Янги уй-жой, янги дўстлар уларнинг шодлигига сабаб бўлмоқда.

— Бу ерда бизни ҳамма яхши кўради. Ўз навбатида биз ҳам барчани қадрлаймиз. Янги дўстларим билан бирга ҳар куни жисмоний тарбия билан шуғулланаяпмиз. Катта бўлсам, албатта, дадамдек ҳарбий бўламан. Ватанимни ҳимоя қиламан, — дейди сержант Йигитали Ёриевнинг ўғли Анвар Хайруллаев.

Янги уйга эга бўлган ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзолари юз-кўзларида акс этган миннатдорчилик ҳиссини сўз билан ифодалаш қийин. Дунё айвонига разм солсангиз, инсоният юрак ҳовучлаб яшаётганга ўхшайди. Бизнинг ҳур диёримизда эса шодликлар қувончга, шодиёналар байрамларга уланаётир.

Шу кунларда она диёримизнинг қай бир гўшасига борманг эришилган муваффақиятлар, бунёдкорлик ишлари, ободонлаштиришлардан баҳри дилингиз очилади. Пойтахтдан олисдаги юртдошларимизнинг адл қоматлари, фикр-мулоҳаза ва интилишларини кузатиб, севинасиз. Истиқлол берган имкониятларга шукрона айтасиз. Ёш авлоднинг бундан-да порлоқ истиқболини ўйлаб ички бир хотиржамлик ҳиссини туясиз. Юрагингиз ҳар бир дупурида «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» дея бонг ураётгандек туюлади.

Азиз НОРҚУЛОВ

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Электрон давлат хизматлари қандай кўрсатилади, уларга доир талаблар мавжудми?

Ю.Ахмедов,
Бухоро шаҳри

— Қонунда электрон давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланган. Унга асосан, электрон давлат хизматлари ахборот ва интерактив давлат хизматлари тарзида бўлиши мумкин. Ахборот давлат хизмати ариза берувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган, давлат органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ва бошқача тарзда тарқатиш йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизматидир. Интерактив давлат хизмати эса ариза берувчига ариза берувчи ва электрон давлат хизмати кўрсатувчи давлат органи ўртасида икки томонлама электрон ҳамкорлик йўли билан кўрсатилади.

Албатта, электрон давлат хизматларига доир талаблар Қонунда белгилаб берилган. Уна кўра, ахборот давлат хизматлари тўлиқ ва ишончли ахборотни ўз ичига олиши керак. Интерактив давлат хизматлари эса, қонун ҳужжатлари асосида ва ахборотни тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш, уни узатиш ҳамда алмашиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида ташкил этилиши, электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламенти асосида кўрсатилиши, шахсга доир маълумотларга ишлов беришни назарда тутувчи хизматлардан ариза берувчиларнинг хавфсиз фойдаланишини таъминлаши, сўров юбориш ва электрон давлат хизматининг натижасини олиш имкониятини таъминлаши, тўлиқ, ишончли бўлган ва рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилинган ахборотни ўз ичига олиши керак.

Саволга Адлия вазирлиги бўлим бошлиги Жасур АСАДОВ жавоб берди.

СОЛИҚ ПОЧТАСИДАН

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг асосий таянчи сифатида тадбиркорлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши ўзига хос ишбилармонлик муҳитини яратмоқда. Бу соҳада барқарор йўналишлар шаклланди.

ИМТИЁЗЛАР ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлгани сингари Андижонда ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича қатор эзгу ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аввало, хизматлар бозори кенгайди. Унинг янги истиқболли турлари — банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация ва бошқаларни ривожлантириш такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб замонавий маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт воситалари билан таъминлаш кўрсаткичларининг ошиши ўз-ўзидан уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайишига имкон яратмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, тармоқларда банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш сезиларли даражада ўсди. Мана шулар ҳисобга олиниб ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда "Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарорнинг 7-бандига асосан 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилган. Бундай имтиёз тадбиркорлар учун катта имконият бўлганлиги шубҳасиз. Чунки бундан кўзланган мақсад ишбилармонлик субъектининг тезда оёққа туриб олиши ва фаолиятининг янги қирраларини намоён қилишига қўмаклашишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги "2012 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори асосида ушбу имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилган.

Айрим рақамларга мурожаат қилайлик. 2016 йилнинг иккинчи чорагида вилоятдаги хизматлар кўрсатаётган 108 та юридик шахс солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳисобига 699 миллион сўмдан зиёд маблағни тежаб қолдилар.

Мисол учун, Андижон шаҳридаги лизинг хизматлари кўрсатувчи "Hamkor invest lizing" масъулияти чекланган жамияти жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 86 миллион сўм, "Andijon taraqqiyot" нодавлат таълим муассасаси ҳам 46 миллион сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланганлиги эътиборга моликдир.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, аввало, халқ турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади ҳамда аҳоли бандлик дастури ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Зоирбек АСҚАРОВ,
Андижон вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

ИЛМИЙ-ЛОЙИҲА МАРКАЗЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда «Ўзинвестлойиҳа» республика инжиниринг компанияси ҳамкорлигида ҳудудларда илмий-лойиҳа ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилди.

Мамлакатимиз азалдан ўзининг ажойиб таъми, экологик тозалиги билан ажралиб турадиган мева ва сабзавотлари, полиз маҳсулотлари билан машҳур. Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг иқлимимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амино ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа давлатларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди.

Ўзбекистоннинг кўплаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорларида харидоргир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Юртимизда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилди.

Бу борада эришилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлашда "Ўзинвестлойиҳа" инжиниринг компанияси қошида ташкил этилган илмий-лойиҳа ишлаб чиқариш марказларининг ўрни беқиёсдир. Улар, хусусан, ишлаб чиқарувчилар ҳамда қайта ишловчи корхоналарга экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўйича илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро ва хориждаги етакчи илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантиришда яқиндан кўмак беради. Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортбоп, ҳосилдор навларини аниқлаш, бу навларни қайси ҳудудларда етиштириш, уруғ ва кўчатларни қаердан харид қилиш, кимёвий ўғит ва касалликка қарши дори воситаларидан қандай фойдаланиш борасида ҳам маслаҳатлар берилади.

– Биз тадбиркорларга мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишда хорижий бозорларда талаб этиладиган сертификат, лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрлашни ҳам ўргатамиз, – дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бўлим бошлиғи Марат Жўраев. – Мутахассисларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий хорижий технологиялар асосида қайта ишлаш, уларни саралаш ва қадоқлаш бўйича маҳаллий тадбиркорларга тавсиялар бермоқда.

Ўзбекистон селекционерлари томонидан сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ, мева ва резавор экинлар, узумнинг 175 янги нави яратилган. Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга – товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда янги ташкил этилган илмий-лойиҳа ишлаб чиқариш марказларида хорижий бозорлар конъюнктурасини чуқур ўрганиш, талаб ва таклифни таҳлил қилиш натижасида маҳаллий мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти учун янги имкониятларни аниқлаш, хорижий бозорларни ўзлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Публицистикада ҳаёт нафаси

УСТОЗЛАР САБОҒИ

Зуҳриддин Исомиддинов эсселарининг ўзига хос хусусиятлари

Бадиий публицистик асар яратиш журналистдан катта билим, кенг дунёқараш, теран тафаккур билан бирга, ижод маҳоратини, тил воситаларидан унумли фойдаланишни талаб қилади.



Бадиий публицистик руҳдаги асарлар ичида эссенинг алоҳида ўрни бор. Жанрнинг мазмун-моҳияти ҳақида гап кетганда, тадқиқотчилар берган таърифларни келтириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, рус олими А.Жолковский эссени "шеъриятга яқин турувчи насрий жанр", дея эътироф этади. А.Дмитровский фикрича, эсседа "қаҳрамон-муаллиф ва ўқувчи "қўлни қўлга бериб", юзма-юз келади. Бу тезда, биринчи сатрларданоқ ўқувчи билан суҳбатлашишнинг янги шаклини топишга уринишдир".

Таниқли адиб Шукур Холмирзаев мазкур жанр ҳақида шундай дейди: "Русларда "рассказ" — "рассказать"дан олинган дейдилар. Яъни бир воқеани "айтиб бериш, ҳикоя қилиш" демакдир. Бошда аксар рус адиблари ҳақиқатан ҳам "ҳикоя қилиш, баён этиш" йўлидан борганлар. Ҳатто француз, ҳатто ҳинд адиблари ҳам аввалда шу йўсинда ижод қилганлар. Кейинчалик ижоднинг тадрижий такомили тақозосида Чехов каби новатор ёзувчилар чиқиб: "Йўқ, воқеани баён қилмаслик керак, балки кўрсатиш лозим", деб шу йўриғда асарлар битганлар. Илло, "кўрсатиш, холис тасвирлаш йўли" — асл адабиётнинг йўли эди".

Юртимизда эссе жанрида кўплаб асарлар яратган ҳамда ҳозирги кунда ҳам фаол ижод қилиб келаётган публицистлар, ёзувчилар, журналистлар бор ва уларнинг ҳар бири ўзига хос йўналиш, ёндашув, услубга эга. Жумладан, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Ш.Холмирзаев, О.Ёқубов каби ижодкорларнинг эсселари ўқувчилар эътиборини қозонган. Улар қаторида ушбу жанрда қалам тебратиб танилган Зуҳриддин Исомиддиновнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Зуҳриддин Исомиддинов — адабиётшунос олим, публицист, филология фанлари номзоди. Унинг жаҳон ва ўзбек адабиёти, ўзбек адабий тили, жамият ва инсон муаммоларига бағишланган мақолалари, эсселари эълон қилинган.

Унинг "Ғафур Ғулом таржималари", "Гарчи Калон эди", "Инсон қадри", "Йўқлов", "Ижодкор бўлиб туғиладилар", "Миллатнинг онаси" ва шу каби бир қатор журналистик асарлари айнан эссе жанрининг ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Уларнинг айримлари аниқ шахслар, кишилар ҳақида бўлса, бошқалари ижтимоий ҳаётдаги муайян муаммога бағишланган. "Эссе — эркин жанр, бундан ташқари, у агар таъбир жоиз бўлса, "размерсиз жанр"ки, кийим танлаганда бўйинггаю энингга ўлчаб ўтиргандай сиқилмайсан", дея таъриф беради Ш.Холмирзаев. З.Исомиддинов эсселари шакл ва мазмунан бир-бирига ўхшамайди. Жумладан, унинг "Йўқлов" эссесининг ҳажми "Ижодкор бўлиб туғиладилар" эссесиникидан кичик. Аммо уларнинг ҳар иккаласида конкрет қаҳрамон ва масала ҳақида сўз юритилиб, уни публицист ўз қарашлари билан бойитади.

Муаллиф мавзу, масалага жиддий ёндашади, уларни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда фикр-мулоҳазаларини баён этади. Жумладан, "Жаҳон адабиёти" журналида (2013 йил 5-сон) чоп этилган "Ғафур Ғулом таржималари" номли мақоласида буюк шоир ва ёзувчининг аксарият китобхонларга таниш бўлмаган "*мутаржимлик*" фаолияти хусусида тўхталади. Унда адиб ҳаёти, таржимашуносликда амалга оширган ишлари тўғрисидаги фактлар бериб ўтилади. Шу билан бирга, З.Исомиддинов бу борадаги фикрларини ҳам баён этади. "*Ғафур Ғулом ҳеч бир ўринда таржима тилини зўриқтирмайди, мураккаб ва гажакдор иборалар билан ўзбек ўқувчисини қийнамайди, фикрни эркин ва сарбаст туриб тақдим этади*". Ушбу эсседа бадиий воситалар, ўхшатишлардан кам фойдаланилган. Аслида эссе жанрида яратилган материалларда образ ва образлилик ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Тадқиқотчи М.Худойқулов таъбири билан айтганда, "...эсседаги илмий, тарихий, ижтимоий тадқиқот ва мушоҳадалар худди мақоладаги қаби жиддий таҳлил услубида берилиши ҳам мумкин". Мазкур эсседа ҳам кўтарилган мавзуга жиддий ёндашилиб, улар турли факт ва мулоҳазалар асосида анализ қилинган. Бу орқали эса Ғ.Ғулом таржималаридаги энг муҳим жиҳатлар кўрсатиб берилган. Аммо адиб ҳаётидан келтирилган мавзуга алоқадор лавҳаларни ҳикоя қилишда бадиийлик унсурлари намоён бўлади: "*Атоқли шарқшунос олим Шоислом Шомуҳамедовнинг хотирлашича, у киши Саъдийнинг "Гулистон" асарини ўқираётганида ҳар бир нақл охирида келган, Саъдийга хос қуйма мисралар, афоризмларни таржима қилишда қийналган ва "мана буни таржимада бериб бўлмаса керак" дея Ғафур Ғуломга маслаҳат солганида устоз адиб Шоислом акага қараб, "Ўзбекмисан?" деб сўрар экан. "Ҳа..." дер экан Ш.Шомуҳамедов ажабланиб. "Ўзбек бўлсанг, топасан. Топ!" деркан қатъий қилиб Ғафур Ғулом*".

Эссе бадиий адабиёт, публицистика ва илм-фаннинг кесишувида пайдо бўлади. Бунда публицист ўзи ёритаётган мавзуни яхши билиши, шу қаторда, бадиий тил воситаларидан унумли фойдалана олиши талаб этилади. Эссе муайян шахсга бағишланган бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан у портрет очеркига ўхшаб кетади. Яъни бунда уларнинг ҳар иккаласида объект — шахс ҳисобланади ва бадиий тил воситалари ёрдамида шахснинг ўзига хослиги, жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг феъл-атворидан тортиб, ўй-қарашларигача ифода этилади. Аммо эсседа очеркдан фарқли ўлароқ, кишининг ташқи портрети ёки унинг характерини очиб беришга урғу берилмайди. Асосий ўринга муаллиф, яъни публицистнинг қаҳрамонга бўлган муносабати, фикр-мулоҳазалари чиқади. Жумладан, З.Исомиддиновнинг "Инсон тақдири" деб номланган мақоласида романнавис, моҳир таржимон Мирзакалон Исмоилий ҳақида сўз юритилади. Мақолада унинг ҳаётидаги энг ёрқин ва аянчли ҳолатлар келтирилади. Шу қаторда, ижодкорнинг таржимашуносликда тутган ўрни тўғрисида тўхталиб, бу борадаги ишларига юқори баҳо берилади. Ушбу эссе ўзига хос жиҳатлари билан ҳикояни эслатади ва ўқувчига содда, тушунарли тилда, шу билан биргаликда, бадиий унсурлардан фойдаланган ҳолда воқеликларни талқин этади. Бунда З.Исомиддиновнинг маҳорати шунда кўринадики, М.Исмоилий ҳаётига оид муайян воқеа-ҳодисаларни маълум сюжет асосида ёзади. Ҳаттоки бир қарашда, М.Исмоилий публицист қаламига мансуб бадиий асарнинг тўқима қаҳрамонига айланган-дек туюлади. Аслида эса тасвирланган воқеликлар, ҳақиқатан, содир бўлган ҳамда қаҳрамон ҳам тўқима эмас. Эсседа муаллифнинг индивидуал таҳлили асосий ўрин тутади. З.Исомиддинов ҳам мазкур эсседа ҳар бир факт, воқелик ҳақида тўхталгандан сўнг ўзининг муносабати, фикрларини келтириб ўтади. Масалан, мақолада М.Исмоилийнинг биринчи марта озодликдан маҳрум қилинишига сабаб бўлган воқеани ҳикоя қилгач, "*Умид билан ўсиб бўй чўзаётган ниҳолни синдириш, қайиришнинг ҳам вахшиёна бир гашти бўлади, шекилли*", деб унга муносабатини билдиради.

Шу билан бирга, мазкур эсседа муаллиф қаҳрамонининг феъл-атворига хос хусусиятларни ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади. "*Одамохун, ҳатто мактаб ўқувчиси ёзган соддагина саволга ҳам эринмасдан, эриниш қаёқда — бир дунё ҳаяжон билан мактуб битадиган адиб бу гал нега сукут сақлади экан?*", "*чунки келишувчанлик, ёлғондан бўлса ҳам ён бериш унинг табиатига ёт эди, принципиал масалаларда андишавозлик қилиб ўтирмас, ноҳақ одамни, у отаси бўлса ҳам, кечиролмас эди. Бу жиҳатдан Исмоилийнинг табиати "Сўна"даги Артурни эслатади*" каби жумлаларда М.Исмоилий характерини кўрсатувчи жиҳатлар ифодаланади.

Эссе олам ва одамнинг умумий томонларига оид билимлар тўғрисидаги фалсафий фикр, мушоҳадани ўзида намоён этади. Шу туфайли ушбу жанрда муаллиф шахсияти ёрқин акс этади. З.Исомиддинов эсселарида ҳам публицистни шахс сифатида таниш имконияти пайдо бўлади. Яъни муаллифнинг воқеа-ҳодисага муносабати, қарашлари, энг аввало, унинг ўзи ҳақида тасаввур уйғонишига сабаб бўлади. З.Исомиддинов эсселарини ўқиганда, унга жонкуярлик, тажрибалилик, адолатсизликларга аёвсиз муносабатда бўлиш, зийраклик каби хусусиятлар хос эканлигига амин бўлиш мумкин.

Умуман олганда, З.Исомиддинов эсселарида самимийлик, соддалик ўқувчилар эътиборини жалб қилади. Публицист ўз фикр-мулоҳазаларини "қоғозга ўрамасдан", тўғридан-тўғри ифода этади. Уларни далиллаш учун фактлар келтириб ўтади. Шунингдек, унинг эсселарида ички қисмлар моҳирлик билан уланган ва бу жиҳат уларни "бир нафасда" ўқиб тугатиш иштиёқини оширади. Ҳар бир эссенинг мавзуси аниқ қўйилади: у ёки муайян шахс, ёки бирор-бир муҳим ижтимоий муаммо ва воқелик бўлиши мумкин. Улар муаллиф томонидан атрофлича таҳлил қилиниб, жамоатчилик фикрини уйғотишга ҳам хизмат қилади.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Машҳур журналистлар ҳаётидан

УЛАР ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?



Аҳмад ХАМРУШ — мисрлик сиёсат ва маданият арбоби, тарихчи, ёзувчи ва журналист

Аҳмад Абу Хатуа Абдул Ҳамид Хамруш 1921 йил 4 сентябрда Бани-Суэйф шаҳрида шайх оиласида дунёга келди. Отаси хусусий тартибдаги суд ишлари муҳокамаси билан шуғулланарди (Мисрда шайхлар институти 1952 йилдан сўнг бекор қилинган). Аҳмад икки ёшга тўлганда отаси оламдан ўтди. Онаси эса уни олиб, қишлоққа — бобо-бувилари ёнига кетди. Бу чекка қишлоқда Хамруш болаликдан камбағаллик нима эканини кўриб ўсди. Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ 1923 йилги Конституцияни қайта тиклаш бўйича бошланган намойишларда иштирок этди. 35 нафар мактабдош ўртоғи билан бирга полиция қўлига тушиб, қамоққа олинди. Аммо уларни тез орада озод қилиб, узоқ туманларга жўнатиб юборишди. Ўша йили (1935) 13 декабрда конституция қайта тикланади ва Хамруш ўзи таҳсил олаётган мактабга қайтади.

1939 йилда у Қоҳирадаги ҳарбий билим юртига ҳужжат топширди. Ўша пайтлар Мисрда доимий иш топиш муаммо бўлиб, фақат ҳарбий соҳагина бандликни таъминлаши кафолатланган эди. Икки йиллик ўқув курсини битирган Хамруш кичик лейтенант унвонига эга бўлгач, Искандариядаги полкка ишга юборилди. Иккинчи жаҳон уруши бошланаётган ўша йиллари Миср армияси британияликлар билан ҳамкорлик қилиши кўзда тутилган қалтис бир вазиятда ёш Хамруш ўз жасурлигини намоён этди. У уруш охиригача ҳаво ҳужумига қарши мудофаа бўлимида хизмат қилди. Ўз юрти осмонини ҳимоя қилганидан фахрланганини кейинчалик ёзиб қолдирган.

Капитан Аҳмад Хамруш 1952 йил 1 сентябрда "Ат-Таҳрир" журналига асос солди. Ўша йилнинг 16 сентябридан нашрнинг биринчи сони чоп этилиб, унда Аҳмад Хамрушнинг нутқи эълон қилинди. У нашрга кўплаб ҳурфикрли дўстларини таклиф этди. Журнал жамоатчилик эътиборини тортди. Шундан сўнг Хамруш бошқа нашрлар фаолиятини йўлга қўйишда ҳам ҳисса қўшди. "Ал-Котиб" журналида бош муҳаррир бўлиб ишлади, 1953 йилда "Ал-Жумҳурия" ҳукумат газетасини ташкил қилишда қатнашди. Кейинроқ эса "Ар-Рисолаҳ ал-жадида" нашрини бошқарди.

1950-йилларнинг охирларидан бошлаб у бор кучини ёзувчиликка бағишлади, дунё бўйлаб саёҳат қилди. 1959 йилда унинг "Инқироз", 1964 йилда "Жим-житлик" номли асарлари босилиб чиқди. Ўша йили президент Насер кутилмаганда унга яна иш таклиф этди — ўша даврнинг машҳур нашри "Роз ал-Юсуф"ни бошқаришини айтди. Хамруш ўзи муҳаррирлик қилаётган нашрда саёҳатлари меваси бўлмиш "Токиодан Лондонгача" публицистик асарини эълон қилди. Ўн йиллик фаолиятидан сўнг бошқа нашрлар муҳаррирлари қатори уни ҳам журналда танқидий материаллар бериб, "демократик эксперимент" ўтказганликда айблашди. Бундан бу ёғига уни нашрларда ишлаш имконидан маҳрум қилишди. Шунга қарамай, Хамрушнинг 15 та китоби ва Миср тарихи, сиёсати, маданияти, адабиёти ва театри ҳақидаги рисолалари чоп этилди. Ахмед Хамрушнинг давлат тарихини ўрганиш имконини берувчи "Мисрда 1952 йил 23 июль революцияси" илмий асарини Байрутда нашр этишга ёришилган.

Серқирра фаолият соҳиби Аҳмад Хамруш 2011 йилда оламдан ўтди.

Х. ФАЙЗИЕВА тайёрлади.

Эрнест КУРТВЕЛИЕВ:

II-АУДИТОРИЯ

«ФОТОЖУРНАЛИСТ ОДАМЛАРГА ҲАҚИҚАТНИ КЎРСАТИШИ ЛОЗИМ»

Фотожурналист Эрнест Куртвелиев билан замонавий фотожурналистика хусусида суҳбат



— Сизнинг суратларингиз ўзига хос, нооддий кўринишга эга. Масалан, мусиқачилар дарахт шохида ўтирган ҳолда саксофон, пианиночи эса дарё бўйида фортепиано чалади. Бу фотошопми?

— Албатта йўқ. Фотосуратдаги мусиқачилар таниқли шахслар бўлиб, уларни суратга олиш учун табиат қўйнига чиқдик. Ҳар бир мусиқа асбоби бирор-бир табиат кўриниши билан мос келади. Шу сабабли суратнинг орқасидаги фон ҳам шунга мос равишда танланади. Юлдузларни шахс сифатида кўрсатишга ҳаракат қиламан. Фотошоп масаласига келсак, одамларни алдашни истамайман. Фотограф, фотожурналист ёлғон сўзламаслиги, аксинча, одамларга ҳақиқатни кўрсатиши лозим. Масалан, журналнинг муқовасига сурат туширар эканман, аввало, у ўқувчига нима содир бўлаётганини ҳам кўрсатиши, ҳам сўзлаб бериши лозим. Спортчини стадионда суратга тушириш ҳеч кимни ҳайратлантирмайди. Аммо уни ғаройиб булутлар фонида суратга тушириш, унинг шахсини кўрсатишга ёрдам беради. Мен студияда суратга туширишни ёқтирмайман, табиат қўйнида, эркинликда ижод қилишни хуш кўраман.

— Фоторепортаж тайёрлаш жараёнида қандай йўл тутасиз?

— Албатта, бу жараёнга журналист ҳам, фотосуратчи ҳам аралашишига ҳаққи йўқ. Чунки содир бўлаётган воқеа-ҳодисанинг табиий ривожини кўрсатиш лозим. Шундагина ахборотдаги, у сурат бўладими ёки матн, холислик сақланиб қолади.

— Фотосуратларингизда ҳаракат, динамика бор...

— Яхши фотосурат аввало ўзида ҳаракатни мужассамлаштириши лозим. Саёҳатни хуш кўраман ва қаерда бўлмай, айнан ўша ҳудуд, халқ, мамлакатга хос, оддий одам эътибор бермайдиган деталларни кўрсатишга ҳаракат қиламан. Юртимизни деярли тўлиқ айланиб чиқдим. Кўҳна шаҳарларимиз, қадимий обидалар, тенгсиз қўллар, бетакрор табиатини суратларимга муҳрладим. Индонезияга сафарим жараёнида у ердаги бетакрор урф-одатларни, оддий одамларнинг ҳаётини, жунгли ўрмонларининг салобатини, Европа дурдонаси Прага шаҳрининг меъморчилиги, Барселонадаги фламенко рақси, Шимолий Америка ландшафтининг ўзига хослиги ва гўзаллигини суратлар орқали кўрсатишга интилдим. Фотография дунёга объектив орқали бошқа кўз билан қарашга имкон беради. Масалан, мотокроссни олаётганимда, спортчидан кичкина кўлмакдан мотоциклини ҳайдаб ўтишини сўрадим. Ҳосил бўлган сув

томчилари эса суратдаги мотоциклчини бошқача ракурсда кўрсатди. Албатта, ҳаракатдаги жараённи олиш учун маҳорат ва озроқ иқтидор керак, деб ўйлайман.

— Адашмасам, сиз мусиқачисиз. Нега айнан фотографияга қизиқиш мусиқадан устун келди?

— Ҳа, маълумотим бўйича мусиқачиман. Уфалаги фагот синфи бўйича санъат билим юртини тугатгач, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини саксафончи ва дирижёр йўналишида ҳам ўқидим. 1988 йили фотоаппарат сотиб олмаганимда, балки таниқли мусиқачи бўлиб кетармидим. 13 ёш эдим. Табиатни, жониворларни яхши кўрганим учун биологияни қизиқиб ўрганардим, сурат чизишга ҳаракат қилардим. Аммо мендан рассом чиқмади, балки шунинг учун ҳам унинг ўрнини фотография эгаллагандир. Олий ўқув юртида таълим олиш жараёнида ҳам фотография қизиқишларимдан бири бўлиб келди. Курсдошларим, талабалик ҳаётини суратга олар эканман, илк ижодим газета ва журналларда чоп этила бошланиши, келгусидаги ҳаётимни аниқлаб берди. Синов ва тажрибалар, хатолар орқали тўғри ракурс танлаш, суратга олишни ўргандим. Бунда менга рангли журналлар, таниқли фотосуратчиларнинг ишлари ёрдам берди. Фотомоделларнинг юзларига тикилар эканман, суратчи қайси томондан унинг юзига ёруғлик туширган, ўзи қайси томондан туриб суратга олганини билишга тиришардим. Қизиқиш аста-секин касбий фаолиятга айланди. Бундан ташқари, фотография янги билимларга эга бўлишга ҳам имкон беради. Масалан, қушларни суратга олар эканман, кейин албатта уларнинг тури ва яшаш тарзи ҳақида маълумотларни излайман.

— Кўпроқ қайси жанрда ижод қилишни маъқул кўрасиз?

— Фотожурналистиканинг ҳар бир жанри алоҳида фан. Фотожурналистиканинг барча сирларидан хабардорман, дея олмайман. Айни пайтда "Ёш куч" журналида ишлайман. Шунинг учун ҳам шароитга қараб у ёки бу жанрда суратга оламан. Аммо айтишим керакки, қайси жанрда суратга олманг, хоҳ у портрет бўлсин, хоҳ репортаж, хоҳ пейзаж, доимо профессионал техникадан фойдаланиш зарур. Менга кўпроқ уйғунлик ва табийлик мавжуд бўлган жанрлар ёқади. Мен реклама ёки fashionни суратга олаётган бўлсам ҳам, уларни реал шароитда бажаришга интиламан. "Мусиқа" номли лойиҳамда оркестр бўйлаб ўзига хос "саёҳат" уюштиришни назарда тутган эдик. Мен ёш солистлар, халқаро танловларнинг совриндорларини турли

фаслларда ва табиат қўйнида олишга ҳаракат қилдим. Масалан, найчини тераклар фонида, барабанчини қора булут қоплаган, эндигина ёмғир ёғиб, кўлмаклар ҳосил бўлган куз фонида, пианиночимизни эса дарё бўйида суратга олдим. Бунинг учун роял сурат олиш жараёни бошлангунига қадар ўша жойга олиб борилган эди.

— Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган суратларда нима етишмайди, деб ўйлайсиз?

— ОАВда берилаётган кўпгина суратларда динамика ва ёрқин ранглар, ҳиссиёт етишмайди. Собиқ шўро мактабининг таъсири ҳамон сезилади. Фотожурналист кўз илғамайдиган оддий нарсаларни кўрсата олиши лозим. ОАВ учун олинаётган ҳар бир сурат ўзида фойдали ва зарур маълумотларни акс эттириши керак. 2000 йили Ўзбекистонга франциялик фотосуратчи Бруно Барбет келган эди. У репортажни албатта кенг форматда олиш кераклигини уқтирганди. Фақат шундагина аудиторияга атрофдаги воқеа-ҳодисани тўлиқроқ кўрсатиш имкони бўлади.

— Келажакда маҳоратли фотограф бўлишга аҳд қилган ёшларимизга нима маслаҳат берган бўлардингиз?

— Ўқиш, ўрганиш ва томоша қилиш. Мен шогирдларим билан мунтазам равишда музейларга, арт галерияларга, фотокўргазмаларга бораман. Уларга нур ва соя ҳамоҳанглигида яратилган суратларнинг ўзига хос жиҳатларини тушунтиришга уринаман. Инсоннинг дунёқараши қанчалик кенг бўлса, кўп ўқиса, ўрганса, у шунчалик эстетикани яхши тушунади. Суратга олишда ахлоқий жиҳатларга эътибор беради. Ҳар бир кадрни қалбан ҳис этади.

Наргис ҚОСИМОВА суҳбатлашди.

БУНЁДКОР ЭЛ ЖАСОРАТИ

ШАРҲ ЎРНИДА

Ўзбекистонимизнинг бугунги кўрки жамоли, бўй-басти, унинг истиқлол йўлидан одимлаб шундай тараққий қилишини бундан йигирма беш йил муқаддам ҳеч тасаввур қилганмизми? Истиқболимизда шундай дориломон замонлар борлигини хаёлимизга келтиришимиз ҳам душвор эди.

Ўшанда, ростини айтганда, парчаланиб бораётган шўролар давлатида яшаётган халқлар ўша кунлар ташвиши гирдобида қолиб, кунни бир амаллаб ўтказиш ғамига тушиб қолганди. Биз ҳам бундан мустасно эмасдик.

Чунки ҳувиллаб қолган дўконлару бозорларни кўриб, эрта қандай қилиб кун кўрамиз, деган қўрқув, ваҳима бизни ўз исканжасига олганди. Бироқ дунёга ўзбек деган номи, улуғ ўтмиши, санъати, маданияти, юксак салоҳияти билан танилган миллат, халқ аросат ичра қолиб кетиши мумкин эмасди. Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ҳал қилиш мушкул бўлиб туюлган энг мураккаб масалалар ҳам бирин-кетин ўз ечимини топа бошлади. Сиёсий мустақилликка эришганимизга ҳали ҳеч қанча вақт ўтмай ғалла мустақиллиги қўлга киритилди. Ёқилғи мустақиллиги мамлакатимиз иқтисодиёти, ишлаб чиқариши учун жуда катта туртки бўлди. Ўзбекистон қисқа даврда ўз автомобиль саноатини барпо эта олди.

Очиғини айтганда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг тақир чўл, қумтепаликлар бағрида бунёд бўлишини йигирма беш йил олдин идрок этдик. Ҳолбуки, унинг пойдевори биринчи ғишти қўйилганига 23 йил бўлаяпти. Агар шундан буён МДҲнинг бизга қўшни давлатларида ҳозирга қадар бундай муҳташам иншоот қурилмаганини ҳисобга олсак, унинг замирида жасорат мужассамлигини кўрамиз.

Республикамиз ҳаётидаги тарихий воқелардан бири деб баҳоланган ушбу завод қурилиши ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш орқали мамлакат ривожини таъминлаш йўлидаги дадил қадам эди.

Республика иқтисодида етакчи тармоқ ҳисобланган нефть ва газ саноати мустақиллик йилларида тубдан ислоҳ қилиниб, хорижий давлат ва компаниялари билан ҳамкорликнинг ноёб намунаси сифатида эътироф этишга арзийди. Чет давлатларнинг инвестицияларини, замонавий техника, технологияларининг нефть ва газ саноатига жалб этилиши муҳим аҳамият касб этаётир. Кўқумалоқ компрессор станциясининг қурилиши, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида саноатбоп мой ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этилиши, шу заводнинг хорижий компаниялар ҳамкорлигида қайта реконструкция қилиниши туфайли мамлакатимизда юқори сифатли нефть маҳсулотлари олиш имконияти яратилди.

2012 йилда Сурғил кони базасида ҳатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши ва унинг ўта қисқа муддатда фойдаланишга топширилиши мамлакатда бу соҳадаги даражани халқаро миқёсда кўтарди. Мазкур корхона йилига 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг равнақи кўп жиҳатдан ёқилғи-энергетика комплексининг ривожланиши билан боғлиқ бўлди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши республикамиз ҳаётидаги тарихий воқеалардан бири десак, хато қилмаган бўламиз.

Озодликка чиққанига эндигина икки йил бўлган давлатимиз ҳали дон билан нефтни хориждан валюта ҳисобига сотиб олар эди. Мустамлака замонида юртимизда, бошқа нарсаларни қўйлик, ҳатто мих ҳам, гугурт ҳам ишлаб чиқарилмас, бари четдан олиб келинарди. Бу ҳам ўзига хос қарамликда тутиб туришнинг синалган бир усули. Расмий маълумотларга қараганда, шу вақтлар мамлакатимизга четдан йилига тўрт миллион тонна дон, бир неча миллион тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари сотиб олинар экан. Ўтиш даврининг танглиги, машаққатлари, ноқулайликларига қарамай, 1993 йил август ойида иқтисодий мустақиллигимизга хизмат қиладиган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш бўйича қарор қабул қилинди. Унда келажакда ўша корхонада автобензин, авиакеросин, дизел ва қозонхона ёқилғиси ҳамда олтингугурт ишлаб чиқариш вазифа қилиб белгиланди.

Заводнинг Қоровулбозорда қурилиши учун ўзига хос ҳаётий сабаблар бор эди. Биринчидан, бу атроф музофотда турфа хил хомашё манбалари нефть, газ кўп, янгидан-янги конлар очилмоқда, хомашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаш кўп жиҳатдан афзалликлар туғдирарди. Чунончи, маҳсулот қулай ва арзонга тушарди. Иккинчидан, завод зиммасига Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Навоий вилоятлари учун зарур бўлган нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш, таъминлаш вазифаси ҳам юклатилганди. Чинакамига халқимиз жасоратли тарихини безайдиган, халқнинг қудратига ёрқин мисол бўларлик улкан ҳаракат, қураш бошланиб кетди.

Завод умумий хўжалик объектлари қурилиши ва махсус монтаж-созлаш ишларини республикамизнинг қурилиш монтаж компаниялари ва ташкилотлари амалга оширди.Завод дунёдаги жуда оз сонли шундай нодир иншоотларнинг кенжатойи бўлса, иккинчидан, уни бунёд этишда жаҳонга машҳур фирмалар, банклар, компаниялар инвестицион маблағлар билан иштирок этди.

Завод 300 дан ортиқ каттакичик иншоотлар мажмуидан иборат.

Завод ўз ичига маҳсулот ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини қамраб олган улкан мажмуага айланган. Фақат завод ходимлари эмас, балки шу атрофда истиқомат қилувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида чорвачилик фермаси, иссиқхона, нефтчилар шаҳарчасида спорт-соғломлаштириш мажмуаси, маданият саройи, ёшлар меҳмонхонаси, иқтидорли болалар учун лицей ва мактаблар қурилди. Дам олиш учун сунъий кўл барпо этилди.

2008 йилда фаолияти йўлга қўйилган завод қошидаги чорвачилик фермасида 2015 йилга қадар 2324 бош қорамол парвариш қилиниб, унинг 1589 боши завод ишчилари ва бошқа ташкилот, корхоналарга аукцион асосида сотилди. Ҳозирда фермада ҳар ойда 60 минг литр сут соғиб олинади. Сут ва гўшт маҳсулотларидан завод жамоаси, вилоят аҳолиси баҳраманд бўлмоқда. Чорвачилик фермаси ташкил этилиши шарофати билан 138 та янги иш ўринлари яратилди. 2009 йилда ташкил этилган 10 гектарлик иссиқхонада 2014-2015 йилги мавсумда 283 тонна помидор, бодринг каби маҳсулотлар етиштирилиб, 1 миллиард 472 миллион сўмга сотилди. Иссиқхонада 124 нафар киши иш ўрнига эга бўлди. 10 гектарлик интенсив боғда ўтган йили 20 тоннадан кўпроқ олма, 2 тоннадан кўпроқ нок йиғиб олинди. Бу ерда 10 киши доимий иш билан таъминланган. 2014 йил ёзда қуриб ишга туширилган 50 минг бошга мўлжалланган паррандачилик фермасида етиштирилаётган тухум ва парҳез гўшт маҳсулотлари завод ишчиларига маошлари ҳисобига берилиб, вилоят ва республика аҳолиси дастурхонига ҳам етказилмоқда. Маҳсулотлар истеъмолчиларига сифатли етказиб берилиши учун 2014 йилда "Ўзнефтгаз" МХК топшириғи билан 780 тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган совутгич қуриб ишга туширилди. 2015-2016 йилги мавсумда ушбу совутгичда картошка, пиёз, сабзи, мош, нўхат, олма, нок сингари 8 хилдаги, жами 470 тоннага яқин маҳсулот сақланмоқда ва завод ишчи-хизматчиларига етказиб берилмоқда.

"Нефтчи" қўрғони завод ишчи-ходимлари, муҳандис-техник ходимлари истиқомат қиладиган ўзига хос шаҳарча. Тўлиқ инфратузилмага эга бу масканда барча қулайликларга эга бўлган 700 дан ортиқ замонавий коттежлар, маданий-маиший объектлар қад ростлаган.

Завод маъмурияти жамоа аъзолари соғлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади. Улар ҳар йили мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилади, ўртача 250 нафар ходим ўз хоҳишига кўра республикамиздаги санаторияларда ва шифо муассасаларида ўз соғлигини мустаҳкамлаб қайтади. Ходимларнинг мингга яқин мактаб ёшидаги фарзандлари "Нефтчи" оромгоҳида ёзги таътил даврини мароқли ўтказадилар.

Капитал қурилишнинг манзилли дастурига асосан яқинда шаҳарчада замонавий спорт комплекси, ёшлар атракцион парки ва ишчилар учун замонавий кўп қаватли турар-жой биноси қурилиши кўзда тутилган.

Бугун кундалик иши, касби кори, тақдири завод билан боғлиқ ҳар бир инсон ўз ҳаётидан, ишидан мамнун, қалби ғурур ва ифтихор билан лиммо-лим. Бу улкан иншоот билан нафақат улар, балки ҳар бир юртдошимиз фахрланса арзийди. Зеро, у мамлакатимиз, давлатимиз фахри ва таянчи. Биз бунга истиқлолимиз туфайли мушарраф бўлдик.

Бахром СОЛИЕВ,
"Қоровулбозор тонги" газетаси муҳаррири

БУ ТУРФА ОЛАМ

КОФЕ ЕР ЮЗИДАН ЙЎҚОЛИБ КЕТАДИ...МИ?

Эрталаб ёки ишдан толиққанда бир финжон кофе ичишни одат қилганлар кўп. Тасаввур қилинг, ушбу маҳсулот ишлаб чиқарилиши тўхтаб қолди. Тўғри, бунга кўникиш қийин. Таассуфки, Австралиянинг иқлимшунослик институти экспертлари кофенинг Ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиш вақтини аниқлашди.

Олимларнинг фикрича, 2050 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари учун ерлар икки карра камайиб кетиши мумкин. 2080 йилга бориб эса кофе ўсимлигини етиштириш имкони қолмайди. Бунга ер юзи иқлимининг глобал исиши оқибатида ушбу ўсимликка қирон келтирадиган замбуруғли касалликларнинг тарқалиши сабаб бўлади.

Иқлимни ҳозирги меъёрда ушлаб қолишнинг имкони топилиб, замбуруғли касалликларга қарши кураш чоралари кўрилмаса, кофе ўсимлигининг етиштириш камайиши кўпгина муаммоларни келтириб чиқаради, дейишмоқда тадқиқотчилар. Негаки, 70 та мамлакатдаги 120 миллиондан ортиқ одам кофе ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу, айниқса, Бурунди, Эфиопия ва Никарагуа давлатлари аҳолиси учун катта зарар етказади.

«ҚИЧҚИРИҚ» КАРТИНАСИНИНГ СИРИ

Санъатшунослар норвегиялик рассом Эдвард Мункнинг машҳур "Қичқириқ" асаридаги оқ доғ сирини аниқлашди. Суратдаги марказий фигуранинг ўнг елкасидаги мазкур оқ доғ мумнинг изи экани маълум бўлди. Бу Мунк студиясида турган бирорта шамдан полотнога оқиб тушган, дейишмоқда изланувчилар.

Буни аниқлаш учун санъатшунослар рентгенофлуоресцент таҳлилидан фойдаланишди. Аввалроқ эса экспертлар буни бирор қушнинг изи бўлиши керак, деган тахминни айтишганди.

Экспрессионист рассом Мунк 1893-1910 йилларда "Қичқириқ" асарини тўртта талқинда яратган. Шулардан энг машҳури ва дастлабкиси айни пайтда Норвегия миллий музейида сақланади. Қолган картиналар 2012 йилда "Sotheby"s" аукционида рекорд нарх — 119,9 миллион долларга сотилган.

НАЦИСТЛАР МИЯДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШГАН?



Мюнхендаги психатрия институти Макс Планка жамияти томонидан ўтказилган реконструкция вақтида ўнлаб одам мияси ва унинг қолдиқлари топилди. Маълум бўлишича, бу Германия фашизми авж олган даврда нацистлар ўтказган тажрибадан қолган қолдиқлар экан.

Жамият вакилларининг фикрига қараганда, мия намуналари немис шифокори, нейробиолог Юлиус Галлерворден коллекциясида бўлган. У Немис национал-социалистик ишчилар партияси аъзоси, шу билан бирга, мия тадқиқот институти невропатология кафедраси раҳбари эди. Ўша пайтларда айрим дорилар ўлимга ҳукм қилинганлар ва ақлий қобилияти паст кишилар миясидан тайёрланган экан. Галлерворден бундай биологик материални қамоқдагилар устида шафқатсиз жиноий тажрибалар ўтказиши билан ном қозонган шифокор Йозеф Менгелдан олган.

Айни пайтда институт ходимлари топилган мия намуналари кимга тегишлилигини ҳамда ўлим сабабларини аниқлашга ҳаракат қилишмоқда. Шундан сўнг қолдиқлар биродарлик қабристонига дафн қилинади.

КЎК ЧОЙНИНГ ЯНА БИР ХУСУСИЯТИ

Кўк чойнинг фойдали хусусиятлари ҳақида кўп эшиттансиз. Яқинда японияликлар олимлар бу ичимликнинг яна бир хусусиятини маълум қилишди. Киото университети тадқиқотчиларининг фикрича, кўк чой аневризм, яъни артериянинг маълум бир ери кенгайиб, бунинг оқибатида қон томир деворлари юпқалашиши эҳтимолини камайтирар экан.

Олимлар бу ҳолат томирларда узилиш бўлмагунча сезилмаслиги мумкин, дейишмоқда. Агар шифокорлар қон томирларда шиш борлигини аниқлашса, бундан жарроҳлик йўли билан халос бўлиш мумкин.

Кўк чой устида ўтказилган тадқиқот эса унинг таркибидаги полифенол оқсил эластиклигини таъминлаб, артериянинг эгилувчан ва қайишқоқлик хусусиятини оширишини кўрсатди. Олимлар чойни ушбу хасталикнинг олдини олишда яхши самара берувчи профилактик чора бўлиши мумкин, дейишмоқда.

Интернет материаллари асосида
Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

КУМУШ ДИЁР

Аргентина деганда кўпчиликнинг хаёлига Диего Марадона келади. Ажойиб ўйинлари билан футбол тарихидан муносиб ўрин эгаллаган Марадона ҳақли равишда мамлакат рамзларидан бири сифатида тан олинади.



Аммо бу мамлакат фақат футболи, маҳоратли футболчилари билан машҳур эмас. Жанубий Американинг энг йирик давлатлардан бири бўлмиш Аргентина бир қанча соҳаларда нафақат қитъада, балки бутун жаҳонда етакчилардан ҳисобланади. Бугун сиз билан ушбу серқуёш диёрга "жуғрофий саёҳат" уюштирамиз.

Атлантика океани соҳилида жойлашган Аргентинанинг майдони 2 780 400 квадрат километр бўлиб, у ерда 43 миллион 417 минг киши истиқомат қилмоқда (2015 йил маълумоти). Пойтахти Буэнос-Айрес.

Аҳолисининг 90 фоиздан ортиғи аргентинлардир. Шунингдек, кечуа, тупи-гуаран каби туб аҳоли вакиллари (мамлакатнинг қолган аҳолиси асосан Европадан бориб ўрнашган халқлардир), испан, италян, немис, поляк ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Давлат тили — испан тили.

Аргентина саноати ривожланган ўлкалардан. Озиқ-овқат (гўшт, ёғ, ун, қанд-шакар, консерва) саноати етакчи тармоқдир. Хусусан, гўшт етиштириш ва экспорт қилиш бўйича Аргентина жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторида туради. Нефтни қайта ишлаш, цемент, целлюлоза-қоғоз корхоналари бор. Автомобиль, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

2008 йилда мамлакат хорижга (асосан, Бразилия, АҚШ, Нидерландия, Хитой, Чилига) 70 миллиард АҚШ доллари миқдорида соя, нефть ва газ, автомобиллар, маккажўхори, буғдой ва гўшт экспорт қилган бўлса, четдан (асосан Бразилия, АҚШ, Германия, Япония, Италия, Хитой) пластмасса, саноат ва органик кимё маҳсулотлари келтирилган.

Аргентиа қазилма бойликларига бой. У ерда нефть, газ, қўрғошин, мис, қалай, рух, темир, уран, бериллий ва волфрам конлари мавжуд.

Аргентинанинг бепоён кенгликларида деҳқончилик ва чорвачилик юксак тараққий этган. Фермерлар буғдой, маккажўхори, жавдар, сули, арпа, пахта, зиғир ва кунгабоқар етиштиради. Боғдорчилик ва узумчилик кенг тарқалган. Кенг далаларида беда экилади. Чунки у мамлакатда боқиладиган 50 миллион бошдан зиёд қорамоллар, 30 миллиондан зиёд қўйлар учун асосий озуқа ҳисобланади.

Аргентина кўркам табиати, мусаффо ҳавоси билан жаҳон сайёҳларини ҳамиша ўзига тортиб келган. Ҳудудининг қарийб 20 фоизи доимий ям-яшил ўрмонлар билан қопланган. Шарқи текисликлардан, ғарби тоғлардан иборат. Жанубий Американинг энг баланд нуқтаси — Аконкагуа чўққиси айнан ушбу мамлакатда жойлашган (6960 метр).

Аргентинада сайёрамизнинг бошқа минтақаларидан ўз иқлимии билан ажралиб туради. Январь энг иссиқ ой ҳисобланади. Бу пайтда ҳаво ҳарорати шимолда ўртача 28 даража, жанубда 10 даража бўлади. Июлнинг ўртача ҳарорати эса шимолда 18, жанубда 1 даража бўлади.

Бу юртда яшовчи халқларнинг миллий маданияти ўзига хос. Унда маҳаллий ҳинду қабилалари ва европалик муҳожирлар урф-одат ва анъаналари уйғунлик касб этган. Хусусан, мусиқа ва театр санъатида қадимий оҳанглар, кечуа ва бошқа халқларнинг бетакрор маросим элементлари кўзга ташланади.

Тасвирий санъатида аввалига (европаликлар боришдан олдин) матоларга геометрик нақшлар солиш, сопол буюмларга гул чизиш, тош, ёғоч ва лой ҳайкалчалар ясаш асосий ўрин тутарди. XX асрга келиб замонавий рассомлик санъати равнақ топди.

Бугун Буэнос-Айрес, Мендоса, Ла-Плата, Кордова, Росарио каби замонавий шаҳарларига борган одам, Аргентинада меъморлик санъати ҳам ўзига хос эканини пайқайди.

9 июль — Аргентинада мустақиллик куни. Мамлакатда 11 сентябрь — Ўқитувчилар куни ҳам катта байрам қилинади.

Санъатсевар Аргентина халқи 16 январни карнавал куни сифатида нишонлайди. Лотин Америкаси давлатлари маданияти билан озгина қизиқиб кўрган киши, бу байрамнинг моҳиятини яхши билса керак...

Ўзбекистон ва Аргентина мамлакатлари ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1993 йилнинг 9 сентябрида ўрнатилган.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

Масару ИБУКА

Уч ёшдан сўнг кеч...



(4-мақола)

Кўпгина кўникмалар болаликда шаклланмаса, кейин ҳеч қачон шаклланмайди

Кўп ҳолатларда иш юзасидан инглиз тилда сўзлашаман. Аммо доимо талаффузимдаги хатолардан хижолат чекаман. Албатта, менинг "япон-инглиз" тилидаги талаффузимни суҳбатдошим тушунади. Аммо кўпинча айтган гапимни у яхшилаб тушуниб олиши учун яна қайтараман. Аммо бир ёшу икки ойлик бўлган кўшни болакай инглиз тилидаги сўзларни тўғри талаффуз қилади. Кўпинча японларга [р] ва [л] ҳарфларини талаффуз қилиш қийин. Мен инглиз тилини ўрта мактабда ўрганиб бошлаган эдим, кўшни болакай эса инглиз тилини япон тили билан бирга ўргана бошлаган. Шунинг учун ҳам уч ёшгача бўлган гўдакка ўргатилса, ҳар қандай тилда ўз она тилидек сўзлаша олади. Агарда сиз ушбу даврни ўтказиб юборсангиз кейин унга тил ўргатиш анча қийин бўлади. Эрта ривожланишда нафақат хорижий тил, балки мусиқани, сузишни, турли хатти-ҳаракатни ўргатиш мумкин. Айнан шу пайти атрофни эстетик қабул қилиш хислатлари унда шаклланади.

Эшитиш қобилияти бузилган болаларни ҳам эшитишга ўргатиш мумкин.

Шу пайтгача мен ривожланиши расо болаларнинг яширин имкониятлари ҳақида гапириб келдим, аммо дунёда жисмоний ривожланишида нуқсони бор болалар ҳам кўп: полиомиелит билан касалланган, ақлий ривожланишда орқада қолган, кар, соқов. Эрта ривожланиш уларни ҳам четлаб ўтмаслиги лозим. Айнан эрта ривожланиш техникаси улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиши керак. Мен сизларга кар бола ҳақида сўзлаб бермоқчиман. У кар бўлиб туғилди, аммо кейинчалик ота-онасининг ҳаракати натижасида суҳбатларда мустақил қатнаша бошлади. Ацуто ҳозир 6 ёшда. У бир ёшга тўлганида унинг отаонаси фарзандлари эшитмаётганини сезиб қолишди. Бир ярим ёшда уни шифокорга кўрсатишди. Шифокор аввало уни ўз исмини ажрата олишни ўргатди. Кейинчалик доктор сўзларнинг мазмунини тушунтирди. Доктор Мацузаванинг фикрича, уч ёшгача кар болани эшитишга ўргатиш мумкин. Докторнинг ёзишича, "фақатгина чақалоқнинг онасигина унда бирор камчилик борлигини англаши мумкин. Янги туғилган бола бир ҳафтадан сўнг қаттик товуш, шовқинни эшитади. Бир неча ойдан сўнг у ўз онасининг овозини, тўрт ойда эса исмини фарқлайди. Агарда чақалоқ қаттиқ товушларга эътибор бермаса, ўз исмини билмаса, демак, эшитиш қобилияти жойида эмас. Уч ёшда бола катталар ишлатадиган кўп сўзларни билади. Шунинг учун ҳам сўзларни тўғри талаффуз қилишни болага қанча эрта ўргатилса, шунча унинг тили тез чиқади, ақли бутун бўлади, эшитиш қобилияти тикланади. Болаларни шовқиндан асрамаслик керак. Мутлақо кар бола ҳам эшитмайди, деган тушунча нотўғри. Агарда чақалоқ доимо товушларни эшитса. Унда эшитиш қобилияти тез ривожланади". Демак, отаонанинг ҳаракати, тўғри ўқитиш эшитишдаги жиддий нуқсони бўлган болаларга ҳам ижобий таъсир этиши мумкин.

Болаликдаги тасаввурлар боланинг кейинги ҳаракатлари ва фикрларини белгилаб беради. Агар сиздан гўдаклик хотираларингизни сўзлаб беришни сўрашса, ҳеч нарса эслай олмайсиз, тўғрими? Бирор нарсани эслосангиз-да, у аввало сизга ўша воқеа ҳақида сўзлаб берган онангиз ёхуд яқинларингиз хотираларидир. Шундай бўлса-да, уч ёшгача бўлган ҳар қандай тасаввур, тажриба инсоннинг шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради. Жаноб Мориатсу Минато, Никко тадқиқотлар марказининг президенти. Хитойда туғилиб, гўдаклиги у ерда ўтган. Оиласи Японияга кўчиб келгач, у ҳеч қачон хитой тилида гаплашмаган ва хитой тилини унутдим, деб ўйлаган. Аммо йиллар ўтиб, Чин юртига иш билан келганида Мориатсу Минато бирданига хитойча сўзлай бошлаган. У тилда эркин гапириб, ҳамкорларини ҳайратга солган. Бу воқеа эрта ёшликда олган билим бир умр инсон онгида муҳрланишини кўрсатади.

Гўдакка нима фойдали?

Шу пайтгача мен бола учун ташқи таъсирнинг аҳамияти ҳақида гапириб келдим. Аксарият оилаларда, хусусан, Японияда ҳам бола тарбияси билан она шуғулланади. Демак, она биринчи галда ўзининг бор билим ва маҳоратини ишга солиб, боланинг тўғри шаклланишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Мен ҳар доим болани яхши мусиқа ва рассомчилик санъати асарлари билан таништириб боришни маслаҳат берганимда, оналар кимнинг асарини танлаш лозимлигини сўрашади. Бетховен ёки Моцарт? Ван Гог ёки Пикассо? Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, биз албатта аниқ маслаҳатлар берамиз. Кўп ҳолатларда одамлар тайёр рецептларни қидиришади. Аммо тарбияда тайёр формуланинг ўзи йўқ. Она ўз боласига нимани раво кўрса, ўшани бериши лозим.

Бола билан "унинг тили"да гаплашманг

Чақалоқ тахминан икки-уч ойлигида жилмайиб, овоз чиқара бошлайди ва атрофда содир бўлаётган нарсаларни эсда сақлаб қолади. Ота-она бола билан туғилганиданоқ катта одамдек сўзлашиши унинг интеллектуал ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Мисол. Ёш оила бир хонали уйда яшар эди. Бола туғилгач, онаси доимо унинг ёнида бўлиб, зерикмаслик учун у билан кун бўйи гаплашарди. Тез орада оила уч хонали уйга кўчиб ўтади ва уларнинг иккинчи боласи дунёга келади. Гўдакка ошхонадан узоқроқ, тинч хона ажратилади. Оиланинг катта фарзанди 7 ойлигида гапириб бошлаган бўлса, унинг синглиси бир ёшида ҳам тўлиқ овоз чиқара олмаган. Бола катта бўлиш жараёнида унинг ота-онаси ва яқинлари у билан "бола тили"да гаплашишга ҳаракат қилади. Бу нотўғри. Чунки боланинг ақли бутун бўлиб, сўзларни тўлиқ айта олмагани унинг сўзлашув органлари тўлиқ шаклланмаганидандир. Бола билан қанча тўғри гаплашилса, унинг тили шунчалик тез ва тўлиқ чиқади.

Наргис ҚОСИМОВА таржимаси

Кийимингиз ярашиқлими, ўғлонлар?

ОЧИҚ ГАП

Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида кийиниш маданияти тўғрисида кўплаб мақолалар ёзилиб, кўрсатув ва эшиттиришлар берилаётир. Уларнинг аксариятида қизларнинг кийиниши "нишон"га олинмоқда. Шу ўринда бир савол туғилади. Бугун барча йигитлар ҳам кийиниш маданиятига амал қиляптими? Улар эгнидаги либосига бир қур назар солиб, қандай кийим кияётганлиги хусусида фикр юритяптими?

Шу каби саволлар атрофида мушоҳада юритиш мақсадида айрим мутахассис ва ёшларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутдик.

— Инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган аломатлардан бири либосдир, — дейди психолог Отабек Мухторов. — Кишининг кийган кийими унинг дунёқараши, ички маданияти ва индивидуал психологиясидан далолат беради. Айримлар ўзи идеал деб билган инсонларга ёхуд машҳур кишиларга тақлид қилиб кийинади. Аёллар либосига ўхшаш бичимда тикилган кийимларни эгнига уялмасдан кийиб олган эркакларни кўрганда, юзимиз беихтиёр ориятдан қизариши бор гап. Эркакларнинг, айниқса, ўсмир йигитларнинг ўта тор, юпқа ва калта кийимлар кийиши замирида мақтанчоқлик, ўзини ва баданини кўз-кўз қилиш каби ўткинчи ҳою ҳаваслар ётади. Бундай либослар кийишга қизиқувчан йигитлар психологияда оғишган руҳият соҳиблари деб аталади. Бу каби иллатлар албатта, ташқи таъсир натижасида юзага келади. Ота-оналар фарзандларининг кийинишига жиддий эътибор қаратсалар ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўларди.

Йигитлар орасида аллатовур нарсаларни кийиб юриш ҳолатларининг учратганига санъаткорларнинг ҳам "ҳисса"си бор, деб ўйлайман. Концертларда қизиқчиларнинг одамларни кулдириш мақсадида аёллар либосини кийишдан ҳам қайтмасликлари, турфа қиликлари ёшларга салбий таъсир этиши айни ҳақиқат. Кийиниш маданияти борасида буюк мутафаккир ва алломалар ҳам фикр-мулоҳазаларини баён этишган. Сўз мулкининг султони *Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида: "Эркакларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши хотинларнинг оройиш учун*



безанишлари кабидир. Аммо бу каби безанмоқ ҳар иккаласи учун ҳам номуносиб, хусусан, эркаклар учун кўпроқ шармандаликдир", дея таъкидлаб ўтган.

— Охирги пайтларда кино актёрлар ва машҳур санъаткорларга тақлид сифатида адрас ва атласлардан тикилган костюм кийиб олган йигитларга кўзимиз тушмоқда, — дейди Андижон давлат университети талабаси Гулжаҳон Рустамова. — Улар бундай "мода" йигитлик ғурури ва шаънига доғ туширишини яхши билишмайди, назаримда. Кўп ҳолларда сизда ўн беш, йигирма метр олдинда қизил ва пушти аралаш кўйлак, тор тикилган йиртиқ, кўк шим ва турли ранглар уйғунлашган пойабзал кийиб кетаётган инсонни кўриб, унинг қиз ёки йигит эканини англолмай қоласиз. Ўзбек ўғлонлари азалдан мард ва жасур сифатида ўзгаларга ибрат бўлиб келган. Очиғини айтсам, қизларга ҳам ана шундай ҳақиқий довюрак, "белида белбоғи бор" йигитлар ёқади.

Ислом динида эркак кишининг аёл кишидай, аёл кишининг эркак кишидай либос кийиши ман этилган. *Расуллуллоҳ (с.а.в.) айтганларидек, "Кимки бир қавмга ўзини ўхшатаверса, у ўша қавмдан бўлади".* Демак, инсон ҳар кимга кўр-кўрона тақлид қилавермаслиги лозим.

— Кўча-кўйда қулоғига зирак, бармоғида узук, бўйнига ёки билагига тилла занжир таққан, эгнида эса тушунарсиз расм ва ёзувлар солинган футболка, ёхуд майка кийиб олган йигитларни кўриб қоламиз, — дейди олий тоифали уролог Ўткирбек Сотволдиев. – Баъзан бундай ҳолатлар ўсмирлар тугул ёши бир жойга борган кишиларда ҳам учраб туради. Мутахассисларнинг олиб борган тадқиқотлари натижаларига кўра балоғат ёшидаги ўсмирларнинг соғлом улғайишида улар кияётган кийим ҳам муҳим ўрин тутиши маълум бўлди. Масалан, ҳавони яхши ўтказадиган матолар тана ҳароратини мўътадил сақласа, паст ва ўрта пошнали оёқ кийимлар қоматнинг яхши ривожланишига хизмат қилади. Кўринишидан чиройли ва ихчам бўлган тор шим ва белни сиқиб турадиган турли кийимлар баданни эзиб, меъда сиқилишига олиб келади. Оқибатда жиғилдон қайнайди, қизилўнгач зарарланади. Яна шуниси ҳам борки, тор кийим кийиш кўз нурига ёмон таъсир қилади. Чунки бўйин орқали кўзларга ҳам кислород ва озиқ моддаларга тўйинган қон борадиган томирлар сиқилади. Бинобарин, кийим бўйиндаги томирни сиқиб турганидан кўзнинг озиқланиши секинлашади. У ерга қон бемалол етиб бора олмаслиги оқибатида одамнинг кўзлари толиқади. Шуни унутмаслик керакки, бўйиндаги томирлар нафақат кўзларни, балки мияни ҳам озиқлантиради. Агар шу томирлар ўз вазифасини тўла-тўкис бажармаса, оқибати нима бўлиши тайин. Шунингдек, ўта тор ички кийим ва шим йигитларнинг соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Кийиниш маданияти энг аввало, оилада шаклланади. Демак, ҳар бир ота-она бу масалага жиддий ёндашиб, фарзандига ўрнак бўлиши зарур.

Либос инсон кайфияти, руҳияти, маънавияти, қолаверса, қай даражада тарбияли эканини белгилаб беради. Шундай экан, эгнингиздаги либосингизга назар солиб туринг, азиз ёшлар. У сизга ярашиқлимикин?

Миролим ИСАЖОНОВ

ОҚ ВА ҚОРА

Санъат одам боласи билан бирга туғилади. Ботинида санъатнинг чўғи бўлмаган инсон йўқ ҳисоби. Болалигимизда қўлимизга тушган новдами, тош ё сопол синиғи бўлсин, кўча юзасини турли-туман суратларга тўлдириб, деворларнинг қўлимиз етмас жойларгаям оёқда тик туриб, расм чизганларимизни эсласам, санъатга ошуфталик ҳар мурғак қалбида бойчечакдек мўралаб туришига амин бўламан.

СТРИТ-АРТ

ЁХУД МЕНИНГ КЎНГЛИМ БАЛОДИР...

Лондон, Мелбурн, Малайзия кўчаларию деворларига туширилган суратларни томоша қила туриб, ўзбекми ё инглиз, араб ё немис – одам боласининг санъатга эҳтиёжи шу қадар баланд экан-да! – дея ўйлаб қоласан, киши. Ҳамма ерда ҳам инсоннинг истаклари, орзую армонларида муштараклик бор экан-да! Хаёлимдан кечаётганлари яна шу паллада қайсидир мексикалик тенгдошимни ҳам безовта қилаётгандир? Бирор бадиий асар ё шеър, сурат ёки ҳайкал, умуман гўзалликни кўрганда, беихтиёр "Кўнглимдагини топибди-я!" деб юборишимиз ҳам бежиз эмас экан.

Бир парча қоғоз ёки полотнога эмас, шундоққина асфальтга, баланд биноларнинг деворларига туширилган ҳайратомуз суратлар. "Шуни ҳам одам боласи чизган-а?" деб дам таажжублансам, дам ҳавасим ортади. Француз кўча рассоми Патрик Коммесининг бир гуруҳ рассом-монументалистлар билан биргаликда зерикарли кўча фасадларини гиперреалистик услубда чизилган суратлар билан ёрқин ва жозибадор ҳолатга келтириши қанча кишиларга завқ улашди. Ундан "Баҳайбат ғор", "Маҳобатли шаршара", "Тошқин дарё", "Учқур тулпор" каби ўндан ортиқ стрит-арт (кўча санъати) намунаси ўрин олган. Булар 3Д расмлар бўлгани сабаб томошабин беихтиёр ўзини ғор ёки шаршара ичидагидек ҳис қилади, дарё у томон шиддат билан оқиб келаяптию, тулпор асфальтни ёриб чиқаётгандек таассурот олади. Замонамизнинг бундай кашфиётларидан ҳайратлана-ҳайратлана, мозийга саёҳат қилишга ошиқдиму, яна ўша таниш муштаракликларга дуч келдим. Самарқанддаги Афросиёб музейи. Асл ҳолича деворларга кўчган, ҳатто қайта ишлов берилган суратлар юртимиз кечмишидан сўзлаб турибди. Элчилар, отлиқлар, мулозимлар... Хаёл зум ўтмай Афросиёбдан Сармишсой дараси, Навоий шаҳридан 35 чақирим нарида жойлашган юртимизнинг яна бир қадимий гўшаси томон олиб кетади. Ўн мингдан ортиқ суратни ўзига жамлаган қоятошлар даранги кўзимиз билан кўрмаган неолит, бронза даврларидаги табиати, ҳайвонот оламию турмуш тарзи, ўтмиш аждодларимизнинг тараққиёт босқичларидан гувоҳлик беради. Шу суратлар бўлмаса, XXI аср кишисининг кўз ўнгида неча мингйилликлар шундай ёрқин гавдаланармиди? Демак, бугун стрит-арт, яъни кўча санъати деб элда оммалашаётган санъат турининг куртаклари ўша пайтлардаёқ ниш урган экан-да!

Яқиндагина Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилган Рио-де-Жанейро шаҳри неча минглаб, миллионлаб турли миллат кишиларини яна бир жиҳати билан ҳайратга солдики, бу – граффити, ёрқин тэг ҳамда стрит-артни ўзида жо этган очиқ осмон остидаги замонавий галерея. Ғояларни ўртоқлашиш, жонли, ажабтовур санъатни ҳис қилиш ва яратиш учун дунёнинг турли бурчакларидан "эркин рассомлар" ташриф буюришди. Лагоа туманидаги Colegio de Aplicacao университети деворларида энг машҳур стрит-арт рассомлар гуруҳи – Flesh Beck Crew (FBC)нинг асарлари билан танишиш имконияти туғилди. Бразилиялик кўча рассоми Эдуардо Кобранинг олимпиада учун махсус чизилган "Миллатлар" сурати шу кунгача дунёдаги энг катта стрит-арт – мусаввир Жо Хиллнинг "Маҳобатли шаршара"сини ортда қолдирди. Баландлиги 15 метр, 3 минг квадрат метр ҳудудни қамраб олган мазкур кўча санъати намунаси учун 380 килограмм оқ ва 1500 килограмм рангли бўёқ сарфланган. Рассомнинг кунига 12 соат тинимсиз ишлаши натижасида бу асар икки ой давомида қиёмига етди. Дарвоқе, Риода кўча санъатига 2014 йилда рухсат этилган ва ҳозир у энг "гуллаб-яшнаган" даврига келди.

Стрит-арт (инглизча "кўча санъати") – урбанизмга оид ёрқин ифодаларни ўзида акс эттирган замонавий тасвирий санъат йўналиши. Стрит-артнинг асосий белгиси шундаки, у ҳудуд ва чегара билмайди. Кўча санъатида ҳар бир деталь, ранг, ёруғлик ва соя фарқлари, йўналиш, икир-чикиргача эътибордан четда қолмайди. Ҳар бир рассом ўзига "ноёб белги", яъни ажралиб турувчи логотип топади ва шаҳарнинг ландшафт дизайнини "яратади".

Тарихнинг гувоҳлик беришича, граффити (итальянча "тирналган" сўзидан олинган) 1942 йили, айни Иккинчи жаҳон уруши вақтида бир ишчининг бомба тўла қутиларга "Килрой шу ерда" деган ёзуви билан бошланган экан. Европа зобитлари ўртасида бу жумла айни уруш авжига чиққан паллада деворларни "тирнаб" ёзиб қўйиш билан урфга кирган. Бу одат вирус янглиғ 1950–1960-йилларда Филадельфияда тарқала бошланди. 1960-йилларнинг охирига келиб эса бу "санъат" Филадельфиядан Нью-Йоркка етиб келди. Ҳаммаси Манхэттеннинг Вашингтон Ҳейтс мавзесидан бошланди. 1971 йилга келиб эса метрою вагон деворлари ҳар турли "тэг"лар билан безалди. Ҳулио 204, ундан сўнг Таки 183 ёзувлари кўча деворларини босиб кетди. Бу битиклар йигитлар исмининг қисқартмаси бўлиб, унда кўрсатилган рақамлар эса Нью-Йорк шаҳри Вашингтон Ҳейтс мавзесидаги 204 ҳамда 183-уйда истиқомат қилишларини англатарди.

Кўча санъатининг шиддатли ва назоратсиз ўсиши оммавий қизиқишлардан то танқидчилар, улардан ўтиб "арт стрит" галереяларигача етаклаб келди. Кўча санъати кўргазмалари 1980-йилларда ўз ишини бошлади. Мисол учун, 1981 йилги "Нью-Йорк – янги тўлқин" кўргазмасида Жан-Мишел Баскиа, Жозеф Кошут, Уильям Берроуз, Нэн Голдин, Энди Уорхол ва Лоуренс Вайнер каби райтерлар иштирок этишди. 1982 йили эса Германиянинг Кассел шаҳрида худди шундай стрит-арт намойиши бўлиб ўтди. Бундай асарлар Нью-Йоркдаги энг катта галереялардан Европанинг кўплаб музейларига кўчди. Бу жараён ҳануз давом этиб келмоқда. Шу йили Парижнинг 13-туманидаги яқинда бузилиши керак бўлган эски ўн қаватли бинода энг катта кўча санъати кўргазмаси очилди. Бу ерда охирги етти ой давомида барча қитъалар ва 18 та мамлакатдан келган 100 дан ортиқ граффити рассоми бинони ички ва ташқи томондан суратлар билан безаган. Натижада, кўча санъатини акс эттирувчи замонавий Бобил минораси ҳосил бўлди, деб ёзади "The Wall Street Journal" нашри. Бино ичидаги 36 та хонадон деворларига суратлар чизилган бўлиб, уларнинг мавзу ва техникаси турлича. Хусусан, хонадонларнинг бирида рассом Рудольф Чинторино уруш туфайли хонавайрон бўлган Сурияниг қайғули келажагини тасвирлаган. Рассомларнинг кўпчилиги ўз композицияларида бино парчалари, эшиклар, труба ва ромлардан фойдаланган. Кимдир нафақат деворлар, балки шифту полни ҳам чизиб чиққан. Акция иштирокчилари ўзларининг ижод намуналари узоқ сақланмаслиги, улар бино билан бирга тез орада йўқ қилинишини билсалар-да, шаҳдидан қайтмадилар. Кўргазма октябрда очилади. Кейин бино бузиб ташланиб, унинг ўрнида янги тураржой қад ростлайди...

Кўча санъати "вандализм" ёки "оммавий санъат" деб таърифланаётган бўлишига қарамай, гўзаллик ва санъатга ошуфта қалбларни ўзига чорлаб турибди. Уни "орзу-интилишларни ифода этишдаги энг қулай усул", "ўзликни намоён қилишга имкон" дегувчилар ҳам топилади. Бироқ Нью-Йорклаги Қиролича санъат музейининг директори Том Финкелперлнинг фикрича, дуч келган кишининг жамоат жойларига исмларини қайта-қайта ёзиб кетишлари аҳмоқлик. Бу шон-шарафга бирдан бурканишни истовчилар "маданияти*"*. Ахир, машҳурликка эришишнинг бошқа бир қанча ижобий йўллари ҳам бор-ку!

Кўча санъати вакиллари ўзларини эркин ижодкор санаб, ҳеч қандай қонун-қоида, тартиб-интизом ва чекловни писанд этмайди. Кишини ўйлантирадигани бунда ҳам эмас. Аксарият стрит-артчиларнинг қоп-қора бўёғида тажовуз, жиноят ва беҳаёлик уфуриб туради. Ғояларга тарихни муҳрлаган одамзод билан бугунги дунё кишисининг фарқи нимада? Ёки нуқул уруш ва салбий маълумотлар оқими ичида яшаётган замондошимизнинг ички кечинмаларидан бир лавҳамикан бу? Балки шу орқали дунёга, урушга адоватини акс эттираётгандир? Квинсленд университети ўқитувчиси, австралиялик руҳиятшунос олим Грэм Мартин 2600 нафар кўча рассоми ўртасида тадқиқот ўтказиб, улар руҳий хаста, жиноятга мойил одамлар деган хулосага келади. Мутахассис фикрича, кўча рассомларининг кўпчилиги пессимист, илм олишга бефарқ, гиёҳванд моддаларга ружу қўйган ва охир-оқибат ўз жонига қасд қилган одамлардир.

Бўёғидан нафосат эмас, нафрат томиб тургани, устига-устак "ўзим – хон, қўланкам – майдон" қабилида юзсизларча иш тутаётганлари сабаб кўп давлатларда бу санъат тури тақиқлаб қўйилди. Мексиканинг тарихий обидалари, эҳромию ибодатхоналари кўча рассомлари ишидан жиддий зарар кўраётгани боис 2007 йили губернатор Фидель Эррера Конгрессга уларга нисбатан ўн йиллик қамоқ жазоси ва катта миқдорда жарима тайинланиши таклифи билан чиқди. Буюк Британияда вояга етмаганларга бўёқ пурковчи аэрозол балонларини сотиш ман этилган бўлса, Беларусда деворларга расм чизган "рассом" қамоққа равона бўлиши қатъий белгиланди. Лондон, Лос-Анжелес, Чикаго, Вашингтон шаҳарларида кўча рассомлари "ижод"ини ўчириш учун йилига 16 миллион доллар сарфланиши, Вашингтонда ҳатто, кўча деворларини тозаловчи махсус ишчилар ёлланиши бу "санъат"нинг нафақат маънавий, айни пайтда моддий зарар етказаётганидан шаҳодат беради. Аксига олиб, райтерлар чекловлардан баттар иштиёқ отига минганлар. Шу сабаб Хитой, Россия, Австралия, Венгрия каби мамлакатларда ҳукумат улар учун махсус жойлар ажратишга мажбур бўлди...

Стрит-арт намуналари болаликдаги безориликларимизни эслатади. Мана улғайдик, биз ҳам, ҳозирги болалар ҳам бу ўйинлардан анча узоқлашдик. Аммо замона зайли билан энди бу ўйин катталарга эрмак бўлаётир. Райтерлар ҳам чиза-чиза хуморидан чиқар, ҳукуматнинг ҳам бу бебошликлардан қулоғи тинар, кўча санъати намуналари ҳам болаликдаги суратларимиз янглиғ қору ёмғирларда ювилиб кетар... Аммо улардан завқ, ҳайрат, гоҳи тахир, гоҳи ширин хотиралар қолар...

Севара АЛИЖОНОВА

АШЪОРИ ЭШ, ҚОБИЛ ИЖОДКОР

ШЕЪР ЗАВҚИ

Анчадан бери Эшқобил Шукур ҳақида бир сўз айтгим келади, нимадир дейиш, ёзишга ўзимни бурчдор, қарздор сезаман. Унинг кўп қиррали ижодини кузатиб келаётганимга ўттиз йилдан ошди, ахир. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир, носир, публицист Эшқобил Шукур аллақачон жамоатчилик эътиборини қозонган.



Қизғин қизғалдоқлар кафтида ўсдим,
Бир жуфт кабутарнинг кифтида ўсдим.

У авваламбор, бетакрор, нуктадон шоир, камтар, самимий инсон. Шоир бўлиб мақола, ҳикоялар ёзади, эфир, экранда кўрсатувлар қилади, суҳбатлар қуради, “Маънавий ҳаёт” журналини бошқариб келади. Унинг ипакдай товланувчи, мусиқий назмларини ўқиш, уқиш, далил, фикрга бой маърузаларини тинглаш, салмоқли мақолалари, жажжи тадқиқотларидан баҳраманд бўлиш ёқимли.

Эшқобил Шукур қатор-қатор китобларни қалаштириб ташлайдиган ижодкорлар сирасиданмас, ҳар бир шеъри, туркуми, мақоласи, тўплами зар қадрини билувчи заргар ижодкорлар назарига тушади, илиқ баҳо олади. 2002 йили “Шарқ” НМАК бош таҳририяти чоп этган “Ҳамал айвони” номли салмоқли шеърий китобининг Ёзувчилар уюшмасида тақдимоти ўтказилганда шоирлар, мунаққидлар, ўқувчилар бирин-кетин сўзга чиқиб илиқ фикрлар айтишгани, муаллиф ҳайъатнинг бир четида қимтинибгина ўтиргани, охирида қисқагина сўзлаб миннатдорчилик билдиргани эсимда. Тўпламни бошлаб берган “Ҳаётга қасида” шеъри, рефрен бўлиб такрорлагувчи “Лаҳзани ушлаб қол, яшаб ўт лаҳзани” мисраларини бутун ижодининг лейтмотиви дейиш мумкин. Синчков, зукко ижодкор момоқалдироқнинг ширин ухлашини, чақмоқнинг сўзаналар тўқишини, музликлар кулгисини, зулматнинг табассум қилишини нозик ҳис этади, “Барини кўзларингга жамла, сен бу тирикликни тингла ва англа” дея ўзига — сўзлар сайлаган ноибга — наказ беради. Тингла ва англа. Бу шунчаки даъват эмас, ўзига ва ўзгаларга “шифтидан дард томган касалхонада армондай тизилиб турган, бир айтган қўшиғин такрор айтмас дарахтларни”, осма уколларнинг остида ётган... кўзлари киртайган сариқ ва ориқ дарёларни” тинглаш ва англашга даъват этади.

Шоирнинг шеърлари мажозий сифатлари, халқнинг қадимий оҳангларини ўзига сингдиргани билан айрича гўзал бир манзара ҳосил қилади. Сўфиёна нақллар фикрлар талошида сувратланадики, бу ҳол назм ҳамиша илоҳиётдан сув ичганлигига ботинда яна бир карра ишонч уйғотади. “Кўҳна руҳ”, “Ойдин қайғу”, “Тошлар овози”, “Насойимул муҳаббат”га сайр”, “Мувaққат уй”, “Ҳамал айвони” сарлавҳали туркумлардан кўҳна ва янги дунё, турли давр ва замонлар, турфа тийнатли одамлар акс этган шеърлар ўрин олган. Шоир қутлуғ мавзуларда қалам чекар, улуғвор воқеалар, тарихий қадриятлар, ҳаётий манзаралар, хушхурсандчиликлар, руҳий эврилишларни тасвирга олар экан, ялтироқ иборалар, мадҳиялар, ножоиз сўкишларни ишлатмайди, сеҳрли образлар, тагдор рамзлар, топилма ташбеҳлару ўткир деталлар, кутилмаган қиёсу контрастлар, ибратли воқеалар, нафис манзаралар, мароқли сюжетлар, шўхчан мисралар, маъюс сатрлар, маънодор тиниш белгилари — мана Эшқобилнинг севимли усуллари, садоқатли воситалари. Уятчан номозшомгуллар, шоир наздида, шеърнинг дилбар сингилчалари; “Денгизлар кўкариб тортади чилим”; “Қўйлар булутларни ичиб қўйдилар Майсаларнинг яшил қонига тўлиб... Яшил чимилдиқнинг оҳори синди, Адирлар бевадай қолди мунғайиб”. Қайси ойнинг тасвири бу? Тўғри, июннинг; “Минорларни юлиб кўза қилдилар, Ва минглаб кўзага тўлдирдилар қон”; “Ер остига кирса барча шоирлар, Осмондан кутинглар улуғ овозни”. Шодиёна дамларда руҳ тантанавор, жарангдор куйлайди:

Аҳай-аҳа-ҳай.
Аҳай-аҳа-ҳай!
Мен қушларнинг
тушларида кўринай,
Мен тушларнинг
қушларида кўринай.

Лирик мен тўйларнинг куйларида, куйларнинг тўйларида, кўзларнинг сўзларида, сўзларнинг кўзларида кўринишни хоҳлайди.

“Чанқовуз” шеъридаги икки бор такрорланган “Тилим тийилди менинг, сўзим қийилди менинг, Пўлат тил топиб олдим” мисралари, чанқовузни кўз ёшга, дардга, оловга чайқаб олингани таъкидлангани бу митти чолғу асбоби най, ғижжак, рубоб, танбур, дутор, чанг сингари ҳасрат, армон, алам ифодаси бўлиш баробарида эрксизликка ишора қилинганини пайқаш қийин эмас. Юрагини сўзларининг дастурхони деб билган, “тилингга чипқонлар чиққанида, тилингни чаёнлар чаққанида мен табиб бўлдим, тобут бўлдим” деб куйлаган бахшининг мунгли, андуҳли хониши маънодор, тагдор (“Мамарайим бахши”. Бошқа бир шеърда “Чанқовузни ким чалди?” сўроғига Қодир бахши қулунлар, ойлар, қўйлар, булбуллар чалганини айтади-да охирида “кўкрагида эрк чайқалган эна эл чалди” сатри ғояни очишда асосий хизматни ўтаган.

Эшқобилнинг бир қатор шеърлари сюжетли. Муайян воқеа, гўзал тасвир, қиёсу контрастлар, хос, мос деталлар келтирилади, хулоса чиқариш кўпинча ўқувчига ҳавола этилади. “Кўпкари” шеърида миллий ўйинимиз жараёни, от, чавандоз маҳорати таъсирли чизилади. Кўп табоқ олган чопағон от кўзикиб суринадию ўлиб қолади, ичдан йиғлаган чавандоз наздида саратон музлагандай, қуёш қорга ботгандай, қош ила қобоқ, Шом ила Ироқ кетгандай. Кулминацион нуқта, нишонга теккан ўқ охирги тўрт сатрда: “Энди ғамли эрига Сўз айтмасдан ботиниб Олти ой аза тутар Чавандознинг хотини”. Бир шеърининг “Уч кунлик бузоғи ўлган сигирни Соғиб олаётир бефарзанд хотин” сатрлариёқ ўқувчини лоқайд қолдирмайди, ҳушёр торттиради, давомини кутади, давоми эса мунгли, таъсирли: “Қайғуни ямламай ютади хотин, Аламни кавшаб еб ётади сигир. Томорқада эса... экин ичидан Битта бола излаб ивирсийди эр”. Охири андак кулгили, кўпроқ қайғули: “Икки жонвор қалби чайилган сутни Ўғри мушук ичиб кетди ўша тун”. “ Қиш. — Дашт...” шеърида қаттиқ совуқ бошланаётганини, чўпон эрининг кўнглини сезиб ўтовнинг бир келинчагига ўтовнинг бир бурнидан беш қўзичоқ, тўрт кучукча, олти улоқчага жой ҳозирлайди, ўчоққа ўт қалайди, бир кечада бир ўтовда ўн етти жон исиниб жон сақлайди, сўнгги тўртлик ғаройиб: “Куёв бўса олайин деса, Келин нари кетади бирдан. Нима қилсин, шунча кўз турса... Ийманади гўдакчалардан”. Умуман, Эшқобил она табиат шайдоси, унинг бўшашмас куйчиси. Бобо қуёш, момо ойни турли чизги, ракурсларда бериши, инсон тийнати, руҳий ҳолатларни нозик ифодалашда улар нури, ёғдусидан кўп ва хўп фойдаланишига қойил бўласан киши.

“Шеър дегани илоҳ қалби билан туташадиган олий туйғулар тасвири дегани, шоир боғидаги тафаккур дарахтининг гулга кириши дегани, муқаддас ваъда дегани. Шунинг учун ҳам унга эҳтиёт бўлиб, фақат муҳаббат билан ёндашиш керак. У муҳаббатни яхши кўради. Бунинг иложи бўлмаса, жим турган маъқул. Матбуотда эълон қилинаётган ҳамма шеър ҳам шеър даражасида бўлганда эди, олам аллақачонлар гулистон бўлиб кетарди...- Миллий тил, миллий туйғу, миллий дид. Буларни айро ҳолда кўриб бўлмайди. Таниқли шоирнинг ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаши, маслаҳат, ёрдамларини дариғ тутмаслиги таҳсинга лойиқ. Ўзи ҳам ёшлигида яхши инсонларнинг жўяли маслаҳатларини олган. Қумқўрғонлик Янгибой Шоймардонов, термизлик Шафоат Раҳматуллаевни миннатдор бўлиб эслайди. Яхши шоир, диди ўткир Янгибой аканинг “Шеър — кўп ўқиш, изланиш, меҳнат, илҳом маҳсули, ноёб топилдиқ, матбуотда шеърлари бот-бот босилиб, қатор-қатор китоблари чиқиб турган анови шоирга ҳавас қилма, эргашма, бундайлар ҳунарманд эмас, косиблар, оз ёзсанг ҳам соз ёз”, — ўгити миямда қаттиқ ўрнашиб қолган, Шафоат ака машқларимни эринмай кўриб, фазилат, камчиликларини айтиб берарди”, — деди яқиндаги суҳбатимизда Эшқобил. — Тошкентга келгач устозлардан омадим чопди. 1979 йил, ҳали ТошДУ филфагининг биринчи босқич толибиман, “Гулистон”да шеърларим чиқиб қолди-ку. Асқад Мухтордай алломa адиб назарига тушиш, у киши бошқарган журналда қатнашиш, яна илиқ фикрларини эшитиш у пайтлар биздек ёшлар учун катта адабиёт эшигидан мўралаш, оқ фотиҳа олишдек бахт эди. Таниқли шоир, талабчан ношир Шавкат Раҳмонга шеърий тўплам маъқул келтириш ноҳоятда қийинлигини билардик. Қўлда ёзилган бир тўп шеърларимни таваккал қилиб топшириб келгандим. Қаранг, ўзи ўқиб, жиндай қалам уриб, машинкада бостириб, “Сочлари сумбул-сумбул” деган номда тўплам қилиб чиқарғани, яна илиқ “Оқ йўл” бағишлаганини унутиб бўладими? Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаевдек таниқли носирларимиз ижодимни кузатиб, далда, илҳом бериб туришарди. “Ёшлик”да босилган туркум тизмаларимни ўқиб Одил ака “Истеъдод муҳри урилган шеърлар” дея баҳо берганидан теримга сиғмай қувониб кетгандим. Абдулла Орипов, Хуршид Давронларнинг-ку доимий назаридаман.

“Юракни ўрганиш”, “Тунги гуллар”, “Яшил қушлар”, “Ҳамал айвони” тўпламларидан кейин чоп этилган “Кўз юмиб кўрганларим” китобига Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов “Фикр ва ҳиссиёт уйғунлиги” номда муқаддима, истеъдодли мунаққид Абдулла Улуғов “Чорлов” отлиғ сўнгсўз бағишлашган. Машҳур шоир, жумладан, шундай ёзади: “Ҳар қандай ясамаликдан, ҳар қандай фикрбозликдан, ҳар қандай сохта оҳанглардан холи бўлган бу шеъриятда дилкашликни, самимиятни, меҳрни, куйинчакликни, гўзалликни учратасиз”. Абдулла Улуғов Эшқобилнинг туғма шоирлиги, эрмакка шеър ёзмаслиги, юраги туғён уриб, ҳислари ошиб-тошган пайтда кечинмаларини қоғозга туширишини, сўзлари бир ҳовуч дурдек ярқирашини таъкидлайди.

Эшқобил Шукур бир достон, беш-ўн туркумлардан бошқа йирик ҳажмли шеърий асар ёзгани йўқ, гарчи иқтидори, маҳорати шунга имкон берса ҳам. Бунинг боиси тил бойлигида, сўзга хасислик фикрга сахийлиги, ўқувчи вақтини аяшида эканлигини билсам-да, сўраганимда, катта асар учун катта миқёс, тафаккур кенглиги, фалсафий теранлик кераклигини, ҳозир сўз, иборалар этимологияси, тарихи ҳақидаги мўъжаз тадқиқотларини, кейинги шеърларини йиғиб алоҳида тўпламлар тайёрлаётганини, “Кўҳна боғ ривоятлари” ҳикоялар китобидан кейин насрда ижодини давом эттирмоқчи эканини айтди. Азиз китобхон, Эшқобил Шукурнинг беш тўртликдан иборат шеърини ўқийлигу, унинг маҳоратига тасанно айтайлик:

Лафз каби улуғман-у, шеър каби ғариб шонман,
Мен шонга султонман-у, шон устида бешонман,
Жаҳон мунча шонталаб, жон мунча жаҳонталаб,
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.
Ой мунча осмонталаб, осмон эса жонталаб,
Ер мунча найсонталаб, найсон эса онталаб,
Ёр мунча ҳижронталаб, ҳижрон эса қонталаб,
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.
Ишқ мунча оловталаб, олов эса ёвталаб,
Дил мунча яловталаб, ялов эса товталаб,
Тулпорлар жиловталаб, сор бургутлар овталаб,
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.
Ботирлари орталаб, ор эса ҳазорталаб,
Шоирлари дорталаб, дор эса бозорталаб,
Зорлари озорталаб, озорлари зорталаб,
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.
Кулги йиғидай йиғлаб, йиғи кулгидай кулса,
Нафрат севгидай ёнса, туйғу севгидай ўлса,
Бошқа Эшқобил бўлиб, бошқа Эшқобил келса,
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

ЯНГИ КИТОБЛАР

Дунёда ҳеч нарса тасодифан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг илдизи, томирида, албатта қандайдир бир асос, замин бўлади.

Яқинда «O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган Қудрат Аҳмеровнинг «Кимёгар-технологлар маскани» номли китоби Кимё-технология институти тарихи, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида атрофлича ҳикоя қилади.

МУНОСИБ СОВҒА

Муаллиф китобни ёзишда дастлаб институтнинг пайдо бўлиши, яъни таъбир жоиз бўлса, унинг «илдизи»дан ҳикоя қилади. Шу туфайли ҳам китобнинг биринчи боби «Кимё-технология факультетининг вужудга келиши ва ривожланиши» деб аталади ва «тарихга бир назар» ташланади.

Бу бўлимда институт тарихида, унинг вужудга келишида фаол иштирок этган профессор ўқитувчилар, жамоат арбоблари — Ҳ.Рустамов, О.Содиқов, К.Аҳмедов, И.Цукерваник, М.Элгорт ва бошқаларнинг олиб борган фидокорона меҳнатлари ҳақида сўз юритилади. «Тарихни билиш — бу ҳаётий зарурат» эканлиги бу бўлимда яққол, содда мисоллар орқали очиб берилади.

Бугун юртимизда кечаги кунни эсламайдиган, аждодларини, боболарини ёдга олмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Институтнинг шонли тарихида илмий педагогик мактабларга асос солган кимёгар академик олимлар К.Аҳмедов, Т. Миркомилов, З.Салимов, М.Набиев, Х.Рустамов, А.Глушенков, Н.Юсупбеков, А.Қўчқоров, Г.Абдурашидов ва бошқа қатор олимларнинг Ўзбекистонда кимё фани ва саноатининг ривожига қўшган хиссалари тарихий мисоллар орқали ёритиб берилган. Мустақиллик йилларида қурилган Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар корхонаси, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Устюрт газ-кимё мажмуаси, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги нефтни қайта ишлаш корхоналарида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари фахр билан тилга олинади. Бунда айниқса устоз-шогирд анъанасига катта эътибор қаратилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилади. Китобнинг яна шуниси диққатга сазоворки, тарихий фактлар ўша ва ҳозирги давр суратлари билан безатилган. Бу эса китобнинг ўқишлилигини яна ҳам оширади.

Китобда шунингдек, институтда олиб борилаётган маданий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, талабалар ўртасида олиб борилаётган «Сиз қонунни биласизми?», «Ўткир зеҳнлилар», «Кимё оламига саёҳат», «Кимёгар маликалар», «Балли, йигитлар» каби кўрик-танловлар, турли мавзулардаги давра суҳбатлари ва унда талабалар иштироки ҳақида батафсил маълумотлар келтирилгани бу талабалар бўш вақтларини нималарга сарфлаётганликлари ҳақида етарлича маълумот беради. Институтлараро ўтказиладиган танловларда талабалар эришган ютуқлар кишини қувонтиради. Кези келганда шуни айтиб ўтиш кераккки, институтда театр студияси, хорижий тиллар (рус, инглиз тиллари)ни ўргатиш ва бошқа турли тўгараклар фаол иш олиб бормоқда. Театр студиясига таниқли актёр, Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров раҳбарлик қилади. Бир вақтлар институт ходимлари томонидан саҳналаштирилган «Отелло» драмаси жуда катта олқишларга сабаб бўлгани ҳақидаги маълумот ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Институтда, шунингдек, спорт ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу каби маълумотлар ўзининг 25 йиллик тўйини нишонлаётган Тошкент кимё-технология институти тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур китобда атрофлича ёритилган. Бу ишларга институт ректори С.Туробжонов бошчилигидаги раҳбарият, педагоглар, институт жамоатчилиги яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ўйлаймизки, мазкур альбом-эсдалик китоб барча китобхонларни институт фаолияти билан атрофлича таништиради.

Баҳром АКБАРОВ

ТУҲФА

Қиз Бола — мисоли оқ қанд

Момоларимизнинг шундай сўзлари бўларди – қиз бола мисоли оққанд. Гард тегса дарров билинади. Ўша жойини қирсанг, кемтик бўлиб қолади, ювсанг эриб кетади. Шунинг учун қоғозга ўрабгина асраш керак...

Бугун ҳам оналар қизларига ана шу ҳикматнинг мағзини чақишни ўргатяптими-кин?! Келин қилиш тараддудига тушган оналарнинг ташвишланаётгани шундай саволга туртки бераётир. Зиммасида шу ширин ташвиш билан юрган борки, учраган танишидан яхши қиз топиб беришини сўрайди. Ўзи олий ўқув юртида ишлаётган (қизларни танлаш имкони катта бўлган манзил-ку!) дугоналаримиз ҳам келин излаб юрганини эшитиб ҳайрон бўласан киши. Атрофинг тўла қизу, келинликка муносиби йўқми, деб савол берасиз. “Менга ақлли, чаққон, рўзғорбопи керак-да”, дейди. Ён-атрофингиздагилар бундай талабларга жавоб бермайдими, дугоналар! Нега келин топиш, совчилик масалалари бунчалик чигаллашиб кетди, дейсан яна беихтиёр. Авваллари икки киши ҳал қилиб келган ишни энди тўрт-беш киши занжир бўлиб, “через-через” амалга ошириб ҳам иш етарлича пишмаяпти. Уйланадиган йигит ҳам “Ойи, мўмингинасидан топинг”, дея шарт қўяди. Бунёд бўладиган янги оиланинг тотувлигию фаровонлигида биргина оқила қизнинг ўзи етарли эмаслигини англаб, ўзинг-чи, шундай қизга муносибмисан, деб сўрайдиган шеримард ота-она битта-иккита ё топилади, ё йўқ. Тўғри-да, қўнғиз ҳам боласини оппоғим, дер экан. Ҳарқалай, замона зайли дея, баҳона қилаётганимиз инсоний муносабатлар, қарашлар ўзгарди. Биров биз кўрмаганни фарзандларимиз кўрсин, ўзи истагандай яшасин, тўйи ҳам ўзи айтгандай бўлаверсин деса, бошқа биров азалий қадриятларимиз афзаллигини уқтиради. Икки хил қарашдаги оила қуда-анда бўлиб қолгудек бўлса, бу оила узоққа бормаслиги аниқ. Тўғри, замон ҳам, одам ҳам ўзгаради. Аммо ана шу ўзгариш фақат моддий фаровонлик бўлиб қолмай, бугун кўп бор такрорлаётганимиз маънавий юксалиш бўлгандагина оилага ҳам, келажак авлодга ҳам, жамиятта ҳам фойда бера олади. Бунинг учун аждодларимиз ҳамиша интилиб келган комплекс тарбияни тўғри йўлга қўймоқ керак...

Яқинда Республика “Оила” илмий-амалий маркази ўтказган “Истиқлолнинг истиқболли оилалари” мавзуидаги анжуманда ана шундай долзарб вазифалар хусусида сўз борди. Бугунги кунда ушбу ташкилот оила масалаларини илмий-амалий тадқиқ қилиш, оилавий муносабатларни янада яхшилаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила ва никоҳнинг барқарорлигини таъминлаш, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги масъулиятини янада ошириш ва мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Жорий йилнинг ўзида марказ томонидан 11 номдаги буклет, 12 номдаги рисола, “Аёллар маслаҳат марказлари” учун олтита услубий қўлланма ҳамда “Оила энциклопедияси” ва “Қизлар энциклопедияси” китоблари нашр қилинди. Айниқса, республика миқёсида илк маротаба яратилган, балоғат ёшини бошдан кечираётган қизлар учун мўлжалланган “Қизлар энциклопедияси” диққатга сазовордир. Китоб хилма-хил мавзуларга бой, рангли, замонавий дизайн услубида яратилган бўлиб, унда ўсмир қизларда юз бераётган руҳий ва жисмоний жараёнлар, уларнинг миллий-маънавий-замонавий қиёфаси, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақида сўз юритилган. Китобдаги ҳар бир мавзуга алоҳида ёндашилиб, миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз руҳи сингдирилган. Ундан қизиқарли маълумотлар, тестлар, маслаҳатлар ҳам ўрин олган.

— Ушбу китоблар оиладаги ўзига хос иқлим ва муҳитни шакллантиришга, шахслараро муносабатларни мўтадиллаштиришга, оила аъзоларининг психологик саломатлигини тиклашга қаратилган, — дейди марказ катта илмий ходими, психология фанлари номзоди Нигора Шомуродова. — Юртбошимиз қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини тез-тез таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас. Уларга миллат генофондини шакллантирувчи шахс сифатида қараш орқали ғамхўрлик кўрсатилаётгани айни муддаодир. Тақдимоти ўтказилаётган қўлланма, рисола ва энциклопедиялар қизларнинг тиббий, маънавий, маданий, ҳуқуқий тарбияси учун хизмат қилади. Уларда ўсмир қизларга ота-оналаридан ёки ўртоқларидан ололмайдиган айрим йўл-йўриқлар, маслаҳат ва таклифлар этик-эстетик тарзда етказиб берилади. Инсоннинг онги ва шуурини ахборотлар хуружи билан ўраб олишга қодир бугунги глобаллашган даврда кишиларнинг бир-бирига муносабатини миллий қадриятлар орқали асраб қолиш мумкин. Аввало, ёшларни ўз яқинларига меҳр-оқибат руҳида тарбиялаш, уларни оилага тайёрлашга диққатни қаратиш лозим. Шу билан бирга, оила устуни бўлмиш оталар масъулиятини ошириш ҳам бугун муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Ота мавқеи, қадри бор оилада тинчлик, осойишталик, иззат-ҳурмат жойида бўлади. Ўзбек оиласи деганда ўз мавқеи, салобатли сўзи билан ибрат бўладиган ота, ўз муомала маданияти, хатти-ҳаракати билан фарзандига ўрнак бўладиган она, оиласи, ота-онаси сиймосида ватанига муҳаббатли, фидоий фарзандларга эга мўъжаз маскан тушунилиши керак. Ўйлайманки, ушбу энциклопедия, рисола ва қўлланмалар ана шу вазифаларни адо этади, оммалашиб, ҳар бир қизнинг кутубхонасидан ўрин олади ва ҳаётда уларга асқотадиган муҳим манбага айланади...

Х.ФАЙЗИЕВА

МУНАВВАР МАНЗИЛЛАР

ЯШАРАЁТГАН КЎКОТА

ёхуд Нарпай туманида амалга оширилаётган савобли ишлар хусусида

Кўкота зиёратгоҳи туман ҳудудидан ўтадиган Катта Ўзбек трактига яқин ерда жойлашган. Қишлоқ оралаб борар эканмиз, кўчанинг икки томонида оқлаб-бўялган, дарвозаси олди анвойи гул ва райҳонлар қулф уриб ўсиб турган хонадонлар кўзга ташланади. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, равон йўл бизни тўппа-тўғри Кўкота қадамжосига олиб борди. Улуғвор масжид, унинг ён-атрофида тикланган иморат, йўлак, чиройли шаклда барпо этилган гул ва майсазорлар, ҳали оҳори кетмаган айвон, ўриндиқлар, танга ҳузурбахш салқинлик берувчи сарҳовуз, ерга тўшалган безакли плиталар, замонавий услубда барпо этилган девор ҳамда панжаралар, нақшинкор устунлар бу ерда катта бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари амалга оширилганидан дарак беради.

Бизни қишлоқ оқсоқолларидан бири Салим бобо Ҳабибов, Кўкота маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарофиддин Шокиров, қурувчи Файзулла Ибодов қарши олишди. Бир зумда мажмуа айвони тагидаги столга дастурхон тузалди: мева-чева, қовун-тарвуз, иссиқ нон ва кўк чой.

— Салим бобомизнинг феъли шунақа, — деди ҳамроҳлардан бири. — Меҳмоннавоз инсон. Бундай ўзбекона феъл кўкоталикларга ҳам юққан. Ахир, табаррук жойнинг чойи ҳам ўзгача бўлади-да.

КЎКОТА КИМ БЎЛГАН?

Ҳазрати Кўкотанинг тарихи кўп йиллардан буён ўрганиб келинмоқда. У кишининг ҳаёти, босиб ўтган йўли ҳақида турлича талқинлар юритилмоқда. Тадқиқотчи Носир Равшанов ҳам бунга қўл уриб, муваффақиятларга эришган. Кўкота хусусида, жумладан қуйидагиларни баён этади:

«Ўтмишда Насаф билан Самарқандни бир-бири билан боғлаб турган йўллар кўп бўлган. Чўл шароитида яшаган аждодларимизнинг турмуш тарзи бир маромда кечмагани боис уларнинг кўпчилиги Нарпай музофотларига кўчиб келишга мажбур бўлган. Улар орасида албатта улуғ аждодларимиз, авлиёларимиз ҳам бўлишган. Ана шундай инсонлардан бири — Ислом оламида Кўкота мақомига эришган ва Нарпай заминида мангу қўним топган ҳазрат Абу Қусам ибн Саид Аҳмад он-Насафийдир. Бу улуғ инсонни нарпайликлар эҳтиром билан Кўк ота ёки Авлиё ота дейишган.

Мазкур атамалар Саид Аҳмад Насафийнинг диний уламолар томонидан берилган кунияси-дир. Бу улуғ зот тахминан 1419—1420 йиллар оралиғида Косонда ҳазрат Абу Қусам шайх хонадонида дунёга келган. Ҳазрат Саид Аҳмад Насафийнинг падари бузруквори Абу Қусам обрў-эътибори баланд, зукко шайхлардан саналган.

XVIII асрда яшаб, ижод этган диний маърифатпарвар уламо Муҳаммад Обид ўзининг «Туҳфат ул-Обидин инс ул-Ошиқин» асарида қадимги Насаф дарёсида ўн саккиз нафар номдор имом борлигини таъкидлаб ўтган.

Ҳазрати Кусам шайх ҳам ўша имомлар сафидан ўрин олган. У болалигидан илм ўрганишга ҳаракат қилади ва отаси тарбиясида камол топади. Косонлик дин илми билимдонларига шогирд тушиб Қуръон, Ҳадис, фиқҳ, Тавҳид илмларини ўзлаштира бошлайди. У тахминан милодий 1455 йилда Нарпайнинг ҳозирги Кўкота қишлоғи(қадимги Тоткент мавзеи)га кўчиб келади. Кўкота жоме масжидида сақланаётган китобларнинг бирида «Сауд мавзе Кўк ато алайҳир раҳима» деб ёзилган битик бор. Бу ерда Сауд атамасидан мурод, яъни араблар мавзеси демоқчи. Тўлиқ таржимаси эса «Араблар мавзесидаги Кўкотани Аллоҳ раҳмат қилсин» дегани.

IX-X асрларда тумандаги Хўжакарзон мавзеига туташ ҳудудларда ҳунармандчилик, чорвачилик, илм-маърифат, савдо-сотиқ ишлари ривожланган. Саид Аҳмад Насафий бу ерга келгач, халққа илм-маърифатдан сабоқ берган, ҳудудни ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этган.

Саид Аҳмад Насафий Нақшбандия тариқатининг давомчиси сифатида шоҳ ариғини қайтадан қазиш ишларида жонбозлик кўрсатган. У 1481 йилда бандаликни бажо келтиради. Саид Аҳмад отанинг мақбараси худди шу жойдадир. Мақбара 1500 йилнинг охири, 1600 йилнинг дастлабки чорагида бунёд этилган.

1936—1940 йилларгача Нарпайда тўртта — Хўжакарзон ота, Кўкота, Обидхон кигиз, Телпак эшон мақбаралари мавжуд бўлган. Туманда шакар заводи қурилиши муносабати билан уларнинг учтаси бузилиб, ғиштлари завод иморатига ишлатиб юборилган.

Ҳозирги Кўкота қабристонида Ҳазрат Қусам шайхнинг бир неча авлод вакиллари сағаналари мавжуд. Кўкота масжидининг ортида жойлашган мазкур қабристонда ўнлаб улуғ авлиёларнинг қабрлари бор. Қабристоннинг этак қисми орқали ҳазрат Саид Аҳмад Насафийнинг хонақосига борилади.

Авлиё отанинг даҳмаси кириш қисмида, яъни эшикнинг пештоқида унинг ўлимига оид деворий битиклар мавжуд. Улар турли даврларга мансуб бўлиб, ҳадислар келтирилган. Бироқ уларнинг айримлари ўқиб бўлмас ҳолатга келиб қолган.

ЎН ЙИЛДА ЭМАС, ОЛТИ ОЙДА

— Вилоят ҳокимлиги катта ташаббус бошлаб, зиёратгоҳни ободонлаштиришга бел боғлагач, ҳеч ким четда қараб турмади, — дейди Салим бобо Ҳабибов. — Амалга ошириладиган режалар кунора маслаҳатлашилди. Шу заминда яшаб ўтган улуғ аждодларимиз қўним топган маскан обод қилинаётганлиги элимизнинг қалбига ёруғлик олиб кирганди. Ташаббусга ҳамма бош қўшди. Кунига 400-500 киши ҳашарда қатнашди. Шундай қилмаса бўлмасди. Чунки Кўкота зиёратгоҳи бошқа қадамжолар каби қаровсизлик туфайли харобага айланиб қолганди. Атрофни тикану юлғун босган, масжид ва қабристон тупроқ остида қолганди.

Ёдимда, зиёратгоҳ бир неча бор таъмирланди. Чунки, тузум, сиёсат ҳаракатларга изн бермасди. Айтишларича, урушдан кейин бу даргоҳ одамларни маънан заҳарлаяпти, деган баҳона билан уни таг-туби билан йўқотмоқчи бўлишган. Ўша вақтларда ҳам собит, имон-эътиқодли одамлар бўлганки, улардан бири — Нурулла Анваров исмли хўжалик раиси «Яхшиси уни омборхона қиламиз» деб сақлаб қолган экан. Масжид ғалла сақлайдиган омбор ва пиллахона вазифасини бажарган.

Бу ишга ўзим ҳам гувоҳ бўлганман. 1962 йилда хўжаликда раислигимда яна шу масала, яъни хурофот масканини бузиб ташлаш масаласи кўтарилди. Мен яна эски усулни қўлладим. Масжидга ғалла солиб, пилла боқадиган бўлдик. Шундай қилмасак, унинг бузилиши муқаррав эди. Сал кейинроқ, етмишинчи йилларда инсофли одамлар пайдо бўлиб, таъмирламоқчи бўлишди. Аммо мафкуравий сиёсат сабабли бу иш ўн йилга чўзилди.

Бугун шулар ҳақида эсласам худди рўёдек. Йиллар давомида амалга ошмаган ишлар атиги олти ой ичида бажарилди.

Вилоят ҳокимлигининг далдаси, халқимизнинг кўтаринки руҳи туфайли қарийб 5 гектардан иборат зиёратгоҳ тамомила ободонлаштирилди. Лойқа босиб кўмилиб қолаёзган эски ҳовуз қайта тикланиб, замонавийлик касб этди. Масжид устунларига қайта ишлов берилди. Хонақоҳ аслига қайтарилди, зиёратчилар учун шарт-шароитлар яратилди. Қабристон ободонлаштирилди.

— Зиёратгоҳда бажариладиган барча ишлар замонавий усулда, мавжуд лойиҳа асосида амалга оширилишига алоҳида эътибор берилди, — дейди фахрий қурувчи Файзулла Ибодов. — Ҳовли ичи ва атрофига 2 минг квадрат метрдан зиёд безакли плиталар, 1,5 минг метр кубдан ортиқ бетон қопланди. Зиёратгоҳ атрофига 240 метр металл панжара ва шинам дарвоза, ўриндиқлар ўрнатилди. Зиёратгоҳлар учун айвонлар барпо этилди. Ҳовли ичи ва ташқарисига 50 туп каштан, 100 тубдан зиёд қайрағоч ҳамда турли гул кўчатлари экилди.

Атрофи 100 метр девор билан ўралди, чироқлар ўрнатилди. Масжиддан ҳонақоҳгача бўлган юз метр йўлакнинг икки томонига пишиқ ғишт терилиб, ости бетонлаштирилди. Бу ишларнинг бари ҳашар йўли билан бажарилди.

— Қишлоғимизда маърифатли инсонлар кўп, — дейди маҳалла фаоли Қўчқор Жалолов. — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мансур Аловуддинов (жойи жаннатдан бўлсин!) ана шундайлардан бири эди. У фарзандлари билан Авлиёота хонақоҳидаги ғишти емирилган саккизта қабрни мармар тош билан қайта тиклаб берди. Тошпўлат Диёров ҳам бу ерда бир қанча савоб ишга қўл урди.

Энди қўзғалмоқчи бўлганимизда даврага бир отахон келиб қўшилди. Кўринишдан дадил, кексаликка бўй бермайдиган бобонинг юз-кўзларидан қишлоқдаги ободончилик ва хайрли ишлардан мамнунлик аломатлари сезилиб турарди.

— Қишлоғимизнинг энг ёши улуғ инсони Зиёд бобо Бўронов, — дея таништирди ҳамроҳим. — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 91 ёшдалар. Зиёратгоҳда иш бошлангандан буён деярли ҳар куни келибкетиб турди.

— Бу бошлар нималарни кўрмаган, болам, — деди Зиёд бобо. — 17 ёшимда урушга кетиб, етти ярим йил олов ичида юрдим. Урушдан кейин ҳайдовчилик қилдим. Ўтин билан юрадиган самоварли машина ҳайдадим. Худо умр берган экан, яшаб келяпмиз. 108 нафар бола-чақа, невараю чевараларим бор. Бари ишли, ҳунарли, ёшлар ўқияпти. Тинч юртда яшаяпмиз, Оллоҳга шукр. Давлатимизга раҳмат! Авлиёота ёшини яна икки юз йилга ёшартирди-я. Илоҳим, барака топишсин!

ЎЗГАРАЁТГАН ГЎШАЛАР

Яхши ният яхши ишларни бошлаб келади, деганларидек, Кўкота зиёратгоҳи бугун чирой очиб, халқнинг дилидаги масканга айланган кунлари яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан туманда обод қилинадиган 25 кўчадан биттаси Кўкота маҳалласидан танланибди.

— Маҳалламизда 3587 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарофиддин Шокиров. — Мактаб, қишлоқ врачлик пункти, болалар боғчаси аҳоли хизматида. Ҳудуддаги 9 та кўчанинг ҳаммаси обод ва равон. Маиший хизмат ва савдо шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик шарофати билан битта кўчамизнинг танлангани бежиз эмас. Зарафшон трактидан Кўкота зиёратгоҳига бориладиган 1,5 километрлик бу кўчани намунавий шаклга келтириш учун ҳаракат қиляпмиз. Йўл равонлаштирилиб, ҳовли-жойлар тартибга келтирилмоқда. Деворлар оқлаб-бўялиб, йўл четларига гулу райҳонлар экилмоқда. Қолган 9 та кўчада ҳам худди шундай ишлар давом эттирилмоқда.

Биласизми, хонадон эгаларини уни қил, буни қил, деб мажбурлаганимиз йўқ. Сабаби аён. Қишлоқда шундай кўркам зиёратгоҳ бўлса-ю унинг ёнидаги ҳовли-жойлар тартибсиз ҳолда турса, уят эмасми? Буни одамларимиз яхши ҳис этмоқда. Кўча ва ҳовлиларимиз кундан-кунга чирой очяпти.

Биз битта қишлоқ мисолида маънавиятимиз сарчашмаларига бўлган эътибор хусусида сўз юритдик. Ваҳоланки, мустақиллик йилларида мамлакатда, хусусан, вилоятда қанчадан-қанча улуғ боболаримиз номлари тикланиб, улар билан боғлиқ қадамжолар ободонлаштирилди. Бу эзгу ишлар давом эттирилиши эса маънавиятимизга, унинг илдизига бўлган чексиз эҳтиром рамзидир.

Тошпўлат ТОШМУРОДОВ,
Адҳам ҲАЙИТОВ

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗ

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Танишларимдан бири лочинларнинг саноғини олиб, уларни ҳалқалаб қўйиб юбораётганларини гапириб берганда, бу қушлар ҳақида маълумот тўплаш, йўқолиб кетишига йўл қўймаслик борасида ўйлаб қолдим. Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоби"ни варақласам, лочинлар текисликлар ва тоғ этакларида яшаркан. Камайишига сабаб ноқонуний овлангани экан. Яхшиям, бу ҳозир тақиқланган.

Бир неча йил муқаддам Жиззах давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Мустафоқул Умрзоқов билан бўлган суҳбатим ёдимга тушди. Ўшанда раҳматли менга ҳамма қушларнинг рўйхатини олиб чиққанини мамнуният билан айтиб берганди. Ҳатто, чумчуқларнинг ҳам... Бу тадбир қанотли дўстларимизнинг кўпайишига таъсир қилдимикан, деб атрофга қарайман. Ўша пайтдаги қушларнинг баъзи бирлари юртимизга келмай қўйганидан ташвишга тушасан, киши! Қани, уккилар, зарғалдоқлар, баҳордаги кескин ўзгаришлар бўладиган кунлардан огоҳлантирувчи, кўкиш, яшил қушлар... Булбуллар ҳам саноқли. Беихтиёр ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу сатрлари хаёлимга келади: "*Не наво соз айлагай булбул гулистондан жудо...*"

Кейинги пайтда мамлакатимизда табиатдаги биохилма-хилликни сақлаб қолиш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Бунга Бухородаги Экомарказнинг очилиши, у ерда жайронлар урчитилиб табиат қўйнига эркин қўйиб юборилаётгани, Прежевалский оти, Бухоро қўйларидан насл олинаётгани ёрқин мисол бўла олади. Лекин табиатни асраш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Ҳамма айбни ҳам овчиларга тўнкайвериш инсофдан эмас. Очиғи, баъзи паррандаю даррандалар шароит йўқлигидан нобуд бўлмоқда. Масалан, қалдирғочларнинг камайишига ўзимиз сабабчи бўлмоқдамиз. Улар айвонларнинг бўғотлари, уйларнинг ичига уя қуриб бола очади. Баҳор элчиларининг бу истагини амалга оширишга кўпинча тўсқинлик бўлаяпти. Уйни ифлослантиради, деб орамизда эшик, деразаларни бекитиб қўяётганлар ҳам йўқ эмас. Жониворлар бизнинг сингилларимиз, деган эди бир шоир. Ҳақ гап. Мен Тошкентда оҳу боласини парвариш қилган одамни биламан. Ғаллаороллдаги Қараманов-лар оиласи ўқ еган турнани соғайтириб, тўпига қўшганини эслайман. Товуслар, беданалар, каклик-лардан насл олаётганлар ҳам бор. Ахир, табиат оламидаги жониворларни хонакилаштириш бизга аждодлардан мерос-ку!

Табиатда ҳар бир жониворнинг ўз ўрни бор. Агар худудларимиздан учиб ўтадиган қушлардан марҳаматимизни аямасак, улар осмондан ерга тушар экан. Менга Қўйтош тарафларда қўй боқувчи юртдошимиз Райим ака қўзилари билан аралашиб юрган турналарни кўрганини айтиб берганди. Чўпон ердан қор кетмай қолган пайтларда оҳулар, каклик-ларни ўйлаб очиқ майдонга беда, дондун ташлар экан. Бунисига нима дейсиз? Бахмал туманидаги Музбулоқ кишлоғининг ҳовлиларининг бирига айиқ боласи кириб қолибди. Хонадон соҳиби унинг терисини, ёғини ўйлаганда саранжомлаган бўларди. Лекин қалбидаги табиатга бўлган меҳр туфайли ҳовлидан чиқариб, ўрмонга, онасининг олдига кетишга қўйиб берибди.

Республика давлат табиат музейида тур сифатида йўқолиб кетган терисига похол солиб, экспонатга айлантирилган Турон йўлбарси бор. Уни ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Амударёнинг қиёқзорларида овлашган экан. Яхшиям, табиат жониворларини овлашни таъқиқлаш ҳақида қонунларимиз бор. Бу жониворларнинг изсиз йўқолиб кетишининг олдини олади. Болалигимда лочин билан боғлиқ ривоятлар, эртакларни эслайман. Ўтмишда уларни қўлга ўргатишган. У ов қилишда ёрдам берган. Яқинда ойнаи жаҳон орқали мутахассислардан бирининг болалар айтганни эмас, қилганни қилади, деган сўзларини эшитиб қолдим. Дарҳақиқат, фарзандларимиз кўз олдида табиат жониворларини қийнасак, каклик-ларни овлаш ман қилинганига қарамай, овлаб тановул қилсак, бозорларда банкаларда сотилаётган илонларни кўрсатсак, уларда қандай табиатга меҳр уйғониши мумкин.

Ҳозир мактабларда биология дарсларида табиат соатлари ўтилади. Жонли бурчакларни ташкил қилиб, ўқувчиларда табиатга меҳр уйғотаётган мураббийларнинг кўплигидан қувонасан, киши. Ижодий сафар асносида Ватанимизнинг тоғли қишлоқлари бағридаги табиат бурчагини кўриб тасанно, деб юбордик. Бу ерда шу ҳудуддаги табиатда мавжуд бўлган кўплаб жониворларнинг тирик намуналари бор. Шуниси аҳамиятлики, бу жониворлар ўқувчиларга маълум муддат намойиш этилгач, яна табиат қучоғига қўйиб юборилар экан. Ахир, илон совуқ кунларда ўз инида ётиши керак. Қурбақа балчиқнинг остига кириб, баҳорда иссиқ кунларда чиқади. Бола очган қалдирғочларнинг оёғига чидамли ип боғлаб учириб юборишади. Турналар ҳалқаланади. Лайлаклар эса кетмайди... Улар Ўзбекистондан кетгилари йўқ. Шу ерда тинчлик, осойишталик, хоҳлаганча озуқа топади.

Биз жониворлардан кўплаб юксак туйғуларни ўргансак арзийди. Тоғ қишлоқларининг яна бирида бўлганимда, бир ибратли воқеани эшитиб қолдим. Қиш кунларида ҳовлига кириб, чиқолмай қолган жайрани уй эгаси озод қилиб юборибди. Жайрани кўрганда, жонивор бирадарлар, деб хайрихоҳлик сўраётганга ўхшабди. Дарвозани очибди. Жонивор соғ-саломат кўздан ғойиб бўлибди. Табиат муҳофазаси глобаллашиб кетаётганини таъкидлаб ўтириш ортиқча. Табиатга меҳр ўйғотиш учун йўлларнинг устидан ҳайвонлар учун махсус кўприк қурган давлатларни ибрат қилиб кўрсатишаяпти. Бу ерлардан жониворлар хавфсиз ўтади.

Табиатдаги жониворларни зийрак кўз билан кузатсангиз, улар ҳақидаги ҳақиқатни англайсиз. Мушук уйига нақадар вафодор, эгаси адаштириб келса, ўзидан олдин қадрдон жойига келиб турган бўлади. Ит қўриқлайдиган хонадонини хеч жойга алишмайди. Заҳигзон уйга кириб кетаётган илонни кўрса, жонини ўртага қўйиб олишади. Шунинг учун уларни эъзозлашимиз керак. Лочинлар ҳалқаланиб яна табиат қучоғига қўйиб юборилаётган экан, буни уларга кўрсатилаётган меҳр дейиш керак. Бу меҳр бизга бир олам қувонч бўлиб қайтади. Булбул, бедана, каклик-нинг сайрашидан завқ олмаган борми! Лочинлар ҳам дўстларимиз эканини унутмайлик!

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Бир ҳовуч дур

Фазилат ва шараф аҳлини ҳурмат қилиш ҳақида

Ҳишом ибн Ҳасон Ҳасан Басрийдан ривоят қиладилар: "Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) саҳобалари билан ўтирган эдилар. Али ибн Абу Толиб кириб келдилар. У кишига ўтиришга жой йўқлигини кўрган Абу Бакр (розийаллоҳу анҳу) ўринларини бўшатиб: "Эй Абу Ҳасан, бу ёққа ўтиринг", дедилар. Абу Бакрнинг қилган ишларидан хурсанд бўлган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): "Фазилат аҳли фазилат аҳли билан улуғдир. Фазилат аҳлининг фазлини фақат фазилат аҳллари билади", дедилар".

Бир гадо Оиша онамизнинг (розийаллоҳу анҳо) уйлари олдидан ўтиб борар эди. Унга бир бурда нон беришни буюрдилр. Кейин бир обрўли одам ўтганида, уни дастурхонга таклиф қилдилар. Сабабини сўрашганда: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бизга одамларнинг обрўларини жойига қўйишимизни буюрганлар", дедилар.

Чиройли муомала ва ҳақларни билиш ҳақида

Фақиҳ Абу Лайс (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: "Кишилар ўзаро муносабатда мулойим сўз, очиқ юзли бўлиши керак. Яхшига ҳам, ёмонга ҳам, бидъатчига ҳам, суннатга амал қилган мусулмонга ҳам бир хил хушмуомала қилинаверади".

Иброҳим Ҳамза Омирийдан, у Талҳа ибн Умардан ривоят қилади. У "Мен Атога: "Сизнинг олдингизга ҳар хил кишилар келади, мен ёғиз-ликни яхши кўраман, уларга баъзан кўпол сўзларни айтаман", дедим. У: "Бундай қилма, чунки Аллоҳ Таоло "Инсонларга чиройли гапиринглар", деб буюрган", деди.

Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): "Сизлар инсонларга молларинг билан кенглик қила олмасаларинг, очиқ юз ва чиройли хулқларинг билан кенглик қилинглар", деганлар.

(Ал-Фақиҳ Абу Лайс Самарқандийнинг "Бўстонул-орифийн" китобидан)

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 2850 Буюртма — S-6921 1 2 3 4 5
Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.
Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Самарқанд: (0-366) 233-62-12
Топшириш вақти — 20⁰⁰ **Топширилди** — 20⁰⁰
ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Шолазиз Шохидоев томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Бобур Муҳаммадиев
"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**